8 АПР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 111 (20. 978) 1991 йил 12 июнь, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

• ДЕПУТАТ МИНБАРИ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ОМИЛИ

Ҳар тонг миллион-миллион оилаларда одатий бир ширин ташвиш — фарзандларни боғча ёки мактабга жўнатиш тараддуди билан бошланади. Болажон халқимизнинг эртаси шулар. Депутатликка сайланиш арафасида ҳам, ҳозирда ҳам Ўзбекистоннинг энг улуғ муаммоси битта, у ҳам бўлса энг ардоқли, энг қимматли бойлигимиз — фарзандларимизни чинакам маънодаги замонавий, халқпарвар, тадбиркор, ақлли дониш кишилар қилиб етиштиришдир, дея таъкидлаб келамиз.

Халқ таълими соҳасида ишлаганим учунми, сайловчилар билан учрашувларда суҳбат мавзуи аксарият шу соҳага бурилиб кетади. Берилган наказларнинг аксарияти ҳам шу тармоқ ривожига оид. Наказларни иложи борича бажариш учун ҳаракат қилиб келяпмиз. Мақтаниш эмаску, лекин уларнинг катта қисми бажариб ҳам қўйилди. Фарғона тўқимачилик комбинати атрофидаги маҳаллаларда аксарият ўзбек оилалари истиқомат қилишади. Аммо ўзбек тилида таълим бериладиган мактаб бу мавзедан ҳийлагина олисга жойлашган эди. Ёш болалар автобусдан автобусга кўчиб, дарсга қатнашга қийналишарди. Халқнинг талаби ҳисобга олиниб, шу ерда янги ўзбек мактаби иш бошлади. Ўқишлар бир сменада ташкил этилди.

Шаҳарда янги пионер ва ўқувчилар саройи очилди. Унда болалар миллий маданиятимизга хос турли касб-ҳунарлар — ўймакорлик, наққошлик, ганчкорлик, гиламдўзлик сирларини эгалламоқдалар. Қарангки, 200 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Фарғонадек шаҳри азимда яқингача ҳам бор йўғи... битта ўзбекча болалар боғчаси фаолият кўрсатарди, холос! Энди тили чиқа бошлаган гўдакка ўз она тилида эртаклар айтиш, қўшиқлар ўргатиш зарурлиги, буларсиз бола «маънавий соқов» бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазалар эса ашаддий миллатчилик кўринишн тарзида қабул қилинарди. Хайриятки, қайта қуриш, ошкоралик эпкинларида бундай бир бёқлама қараш кайфияти бевақт тушган тумандек тарқаб кетяпти. Кейинги йилнинг ўзида шаҳарда 6 та янги ўзбекча боғча очилди. 26 та боғчада ўзбекча тарбия берилади-ган гуруҳлар ташкил этилди.

Депутат халқ вакилидир. Агар ҳукумат халқнинг муайян талабларини бажо келтириш учун сайлаб қўйилган орган бўлса, у халқ вакилининг сўзини эътиборсиз қолдирмаслиги шарт. Амалда эса баъзан бунинг тескарисини кўрасиз. Бир мисол. Ф. Дзержинский номли Фарғона тўқимачилик комбинатида атроф-қишлоқлардан келиб, комбинатда ишлаётган, вақтинча ётоқхонада яшаётган оилалар кўп. Уларда болаларнинг соғлом ўсишлари, яхши ўқишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш мушкул. Депутатлик ҳисоботларидан бирида ишчилар ана шундай оилалар фарзандлари учун шу мавзеда мактаб-интернат ташкил этиш зарурати масаласини қўйишди. Тан олиш керак, бу ҳаққоний, адолатли талаб эди. Анча уринишлардан сўнг 11-мактаб қошида 200 ўринли интернат ташкил этишга муваффақ бўлдик. Афсуски, шаҳар мутасаддилари тарбияланувчилар учун озиқ-овқат, ўқитувчилар маоши ва бошқа харажатларга йилига кетадиган 359 минг сўм маблағни топиб бера олмаяптилар. Бир нима десанг бюджет танглигини рўкач қилишади. Ҳақиқатдан ҳам савобли иш учун маблағ топиш қийинми? Чуқурроқ ўйланса, бунинг иложи бор. Масалан, шаҳарни қўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун йилга режалаштирилганидан ташқари ўртача 1-1,5 миллион сўм қўшимча маблағ ажратиляпти. Аммо бу билан шаҳар ўрмонга, кўчалар гулистонга айланиб кетгани йўқ.

Сессия арафасидаги ўйлар

Гапнинг пўсткалласини айтганда, халқ таълими учун ҳамон қолдиқ принципларида маблағ ажратиш одатига бизда барҳам берилмаган.

Наказларни бажариш кўпинча айрим мансабдорларнинг лоқайдлиги, менсимаслиги каби тўсиқларга дуч келмоқда. Йил бошидан буён шахсий масалалар бўйича 150 дан ортиқ кишини қабул қилдим. Уларнинг аксарияти уй-жой, нафақа, ҳуқуқ-тартибот органлари билан боғлиқ масалаларда келишганди. Аризачиларга баҳоли қудрат ёрдам беришга ҳаракат қиляпман. Афсуски, юқоридаги айрим мансабдор шахслар депутатлик сўровларимга лоқайд қарамоқдалар. Шундай кишиларга «Депутат халқ вакили, Сиз бу билан депутатни эмас, халқни назар-писанд қилмаяпсиз» дегим келади.

Биринчи марта муқобиллик асосида ўтказилган сайловлар натижасида вужудга келган ўзбек парламенти сессиядан сессияга малака орттириб, таъбир жоиз бўлса, жиддийлашиб бормоқда. Биз фикрлар тўқнашувида бир-биримизга ҳурматни сақлаб қолиш, қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаси муҳокамаси жараёнида сўзбозлик эмас, балки лўнда, амалий мулоҳаза юритишга ўрганяпмиз. Баъзан депутат фаолиятига унинг амалий иши юзасидан эмас, балки сессияда неча марта сўзга чиққанлигига қараб баҳо берадиганлар ҳам топилади. Ҳолбуки гап минбарни ким банд қилишида эмас.

Ўтган давр мобайнида жумҳурият Олий Кенгашида кўпгина қонунлар қабул қилинди. Эндиликда кун тартибида халқ таълими тўғрисидаги янги Қонун лойиҳаси турибди. Менинг фикримча, бу Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда халқ таълими ривожини янги поғонага кўтаришда кучли туртки бўлади. Бизнингча, унда ўқув программаларини миллий ва маданий хусусиятларни ҳисобга олиб соддалаштириш, замонавий таълим жараёнини, Шарқ педагогикаси усулларини кенг жорий этиш, янги ўқув қуроллари, кўргазмаларини ишлаб чиқиш, том маънодаги миллий мактаблар яратиш каби ҳолатлар назарда тутилиши лозим. Кўпчилик педагоглар узоқ муддатли тажрибаларга таянган ҳолда умумий мажбурий таълимни тўққиз синф ҳажмига келтириш зарур деб ҳисоблашяпти. Бу таклифни ўрганишга оид иҳҳатлари кўп.

Мактаблар таъминотини фақатгина давлатнинг ўзига ташлаб қўймаслик керак. Ҳар бир вилоят, шаҳар ва районларда халқ таълимини ривожлантириш фондлари тузилиши, корхона, ташкилот ва шахслар ўз маблағларидан бу фонд ҳисобига ўтказиб туришлари керак. Амалдаги оталиқ ёрдами кўрсатиш усули унча самара бермаяпти. Масалан, бизда «Ферганхлеб» бирлашмаси, Фарғона мебель комбинати, фуран бирикмалари химия заводи, 9-автобаза каби корхоналар ўз оталиқларидаги мактабларга зарур ёрдам бермаяптилар, ваҳолонки уларда ана шу корхоналар ишчи-хизматчиларининг фарзандлари таълим олишади. Янги қонунда ана шу ёрдам юридик ҳиҳатдан асосланмоғи ва томонлар ўз зиммаларидаги мажбуриятга жиддий қарашлари лозимлиги белгилаб қўйилади.

Йирик шаҳарлар ва районлар марказларида яккамдуккам ҳолда гимназия ҳамда лицейлар очиш ҳаракати бошланди. Салоҳиятли ўқувчиларни жамлайдиган бундай билим даргоҳлари фақат фойда келтиради. Бунга ёрдам кўрсатиш даркор.

Ўқитувчиларга табақалаштирилган иш ҳақи жорий этиш, аттестация ҳуқуқини мактаб кенгашларига бериш, ўқитувчи меҳнати мезонларини ишлаб чиқиш ўткир муаммо бўлиб турибди. Ҳозиргача ноқобил ўқитувчи ўз меҳнати самараси учун на маънан, на моддий ҳиҳатдан жавобгар эмас. Айрим фанлар йўналишидаги мактаб-интернатлар кутилаётган самарани беришига шубҳа қиламан. Бу муаммони ўрта мактабнинг бошланғич синфларидаёқ ихтисослаштирилган гуруҳлар очиш йўли билан ҳал этиш тақозо қилинади. Таълимнинг пуллик турларини ҳам эътироф этиш, дарсликларни бепул қилишдан воз кечиш пайти келди.

Халқ таълимининг муаммолари кўп. Аммо уларни ҳал этмасдан туриб жумҳуриятнинг тараққиёт сари парвози хусусида дадил сўз юритишга эрта. Зеро, чет элдан асбоб-ускуна, дастгоҳлар келтириш, уларнинг лойиҳалари асосида завод-фабрикалар қуриш мумкин. Бироқ илмли, маданиятли, маърифатли инсонсиз юксак даражада ривожланган жамият қуриш хом хаёл бўлиб қолаверади.

Муҳаммаджон ХЎЖАЕВ,
ЎзССР халқ депутати, Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири.

Ўтган йили Шаҳрихон ипакчилик фабрикаси маъмурияти ташаббуси билан Андижон шаҳрида кичик саноат комбинати ташкил этилганди. Қисқа муддат ичида бу ерда дастгоҳлар ўрнатилиб хонатлас, трикотаж ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугун мазкур корхонада 400 дан зиёд киши меҳнат қиляпти. Яқин орада янги цех қурилиши бошлаб юборилади. У ишга туширилгач яна 100 киши иш билан таъминланади.

Ҳозир жумҳурият Маҳаллий саноат вазирлиги комбинат ишчилари ижтимоий шароитларини яхшилашга эътибор беряпти. Улар учун бу ерда ошхона, медпункт ва клублар барпо этилган. Бошқа маиший объектлар қурилиши давом этмоқда.

СУРАТДА: янги саноат комбинатининг илғор ишчиси С. Иминова. У кунлик нормасини 130 фоиз адо этмоқда.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

• Фармон ва ижро

ЖОНБОЗЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК АСҚОТМОҚДА

● Бозор иқтисодиётига ўтиш ва чакана нархлар ислоҳоти муносабати билан аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ишларида жонбозлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик кўрсатилмас экан, биронбир кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Хўш, Хоразм вилоятида жумҳурият Президентининг аҳоли манфаатларини кўзлаб чиқарган фармонлари амалда қандай бажарилаётир? Айтиш керак, вилоятнинг партия, совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари бу йўналишда амалий тадбирлар кўраётганликларини қуйидаги мисоллар орқали кузатиш мумкин. «Аҳолини иш билан банд қилиш», «Халқ истеъмоли моллари», «Меҳр-шафқат», «Саломатлик», «Экология» сингари бир мақсадга қаратилган комплекс дастурлар яратилиб, улар бўйича чоралар кўриляпти. Бу ишларнинг ҳаммаси вилоят партия ташкилотининг ҳаракат дастурида ўз ифодасини топган.

КИЧИК КОРХОНАЛАР

Биргина аҳолини иш билан таъминлаш масаласини олиб кўрайлик. Бу вилоятда жиддий муаммо. Меҳнатга қобилиятли ўттиз олти минг киши бўлиб, шундан қишлоқда яшовчи аёлларнинг ярмидан кўпи ишламайди, ўн саккиз ёшдан йигирма тўрт ёшгача бўлган ёшлар эса ўттиз етти фоизни ташкил этади. Кейинги пайтда ишламайдиган аҳолини жамоат ишлаб чиқаришига жалб этиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Иш қидиришга кетадиган вақтни қисқартириш, вақтинча ишламайдиганларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида барча шаҳар ва районларда меҳнат биржалари — аҳолини иш билан банд қилиш марказлари ташкил этилди.

Жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг чакана нархлар ислоҳоти муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари тўғрисидаги қарори чиққандан кейин барча тоифадаги фуқароларга 144 минг сўм нафақа тўланди.

Ҳаракатда баракат

Вилоят саноат тармоқларини кенгайтиришга жиддий эътибор берила бошланди. Саккизта йирик корхона фойдаланишга топширилди. Урганч пойабзал фабрикаси (1780 киши), гўшт комбинати (477 киши), Боғот тикув фабрикаси (646 киши) шулар жумласидандир.

Шаҳар ва районларда фақат ўтган йилнинг ўзида мингга яқин киши ишлайдиган ўн битта саноат комбинати,колхоз ва совхозларда қирқ саккизта ёрдамчи корхона ва цех, бешта консерва заводи қурилди. Бундан ташқари вилоятда тўқсонта кичик корхоналар, жумладан қурилиш соҳасида қирқта, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаси бўйича ўттиз еттита кичик корхоналар қурилиб, ишга туширилди.

Вилоятда саккиз минг фуқарога қўшимча ер участкалари берилди. Улар билан ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топшириш юзасидан шартномалар тузилди. 3,6 минг кишига меҳнат дафтарчалари ва справкалар берилди. Шундай қилиб, ўтган йили олиб борилган қатор тадбирлар туфайли жамоат ишлаб чиқаришига 17,8 минг киши жалб этилди. Шу йилнинг тўрт ойи ичида эса уч мингга яқин қўшимча янги ишчи жойлари ташкил этилди.

ЭЪТИБОРГА САЗОВОР ТАЖРИБА

Аҳолининг кам таъминланган табақасини ижтимоий ҳимоялаш борасида айрим хўжалик раҳбарлари ташаббускорлик кўрсатмоқдалар, бозорга ўтиш бўйича аниқ тадбирларни дадиллик билан ҳал этмоқдалар.

Боғот районидаги Наримонов номли жамоа хўжалиги (раиси Юсуфбой Қобулов, бошланғич партия ташкилоти котиби Рўзибой Машарипов) тўплаган тажриба эътиборга лойиқ. Хўжаликда ёрдамчи тармоқларни ривожлантиришнинг аниқ режалари ишлаб чиқилган. Қурилиш, техникавий жиҳозлаш учун банк кредитларидан кенг фойдаланилмоқда. Жамоа хўжалигининг ёрдамчи корхоналарида беш юз эллик киши иш билан банд. Ҳозирги вақтда улар томонидан саккиз миллионга яқин ғишт, саккиз ярим минг

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

Илмий кучларни жамлаш ва мувофиқлаштиришни таъминлаш, деҳқончилик-саноат мажмуининг илмий-техникавий имкониятлари самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилаш мақсадида:

1. 1991 йилнинг 1 июлидан В. И. Ленин номидаги Битуниттифоқ қишлоқ хўжалик академияси Ўрта Осиё бўлими ҳамда республикада жойлашган деҳқончилик йўналишидаги илмий тадқиқот муассасалари негизида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков) мазкур Фармонни бажаришга оид ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарорни тайёрласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 11 июнь.

(Ушбу Фармонга шархни рўзноманинг навбатдаги сонида ўқийсиз).

ДАСТЛАБКИ УЙ ТАЙЁР

Ангренда рўй берган фожиага ҳам ҳадемай қирқ кун бўлади. Илгари хабар берилганидек, янги Жигаристонда қурилиш ишлари жадал бормоқда. «Узколхозстрой», «Ўзбекшахтострой», «Ўзагрострой» ва бошқа қурилиш ташкилотлари қурувчилари илгари қабул қилган мажбуриятларини бир неча марта кўриб чиқдилар. Жабрланган 50 та хонадонга мўлжалланган уйлар дастлабки режада октябрь ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган эди. Иш суръати бу муддатни сентябрь ойига кўчирди. Резерв ва имкониятлар кўриб чиқилганда бу муддатни ҳам қисқартириш мумкинлиги аён бўлди. Эндиликда бу мўлжал август ойининг охирига белгиланди.

Ҳозир 20 та уй қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Дастлабки битта уйнинг калити эса Умарали Абдусаитовга топширилди. Бу оила учун саккиз сотих ер участкаси ажратилган. Фойдаланишга топширилган уй беш хонадан иборат. Ҳадемай, янги уйларга кўчиб кирувчилар сони кўпайиб қолади.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасида

10 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда республикани ривожлантиришнинг бир қанча ижтимоий-иқтисодий масалалари муҳокама қилинди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошқарди.

Мажлис қатнашчилари республика бошига тушган табиий офат оқибатларини тугатишга ёрдам бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Маълумки, май ойида ва июннинг бошларида Ўзбекистоннинг деярли барча минтақаларида вайронгарчилик келтирувчи селлар, тошқинлар, довулли шамоллар бўлиб, жала қуйди ва дўл ёғди. Шунинг оқибатида минглаб турар жой бинолари ва ишлаб чиқариш иншоотлари, ўнлаб кўприклар, кўплаб километр йўл қопламаси, электр ва алоқа симлари, ирригация тизимлари тўла ёки қисман вайрон бўлди.

Республика қишлоқ хўжалигига жуда қаттиқ зиён етди. Юз минглаб гектар экинзорлар, боғ ва токзорлар, қишлоқ меҳнатчиларининг шахсий томорқа участкалари табиий офат зарбасидан зарарланди. Чорвачиликда ҳам анчагина нобудгарчилик содир бўлди.

Об-ҳаво ноқулайликлари республикага етказган жами зарар 300 миллион сўмдан ошади, деб тахмин қилинмоқда.

Табиий офат оқибатларини тугатиш учун деҳқонлар катта майдонлардаги кўпгина экинларни қайта экишга мажбур бўлдилар, қўшимча равишда одамларни ва моддий ресурсларни, машина-механизмларни ишга солдилар, минерал ўғит ишлатдилар. Вайрон бўлган иморатларни тиклаш учун кўпгина қурилиш-монтаж бўлинмалари юборилди. Шикастланган районларнинг аҳолисига моддий ва бошқа ёрдам берилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулоти ва кийим-бош билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ҳукумати вазиятни тезроқ барқарорлаштириш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрди. Республика идоралари қайта тиклаш соҳасидаги ҳамма ишларни мувофиқлаштириб турибди. Офат рўй берганидан кейиноқ азият чеккан барча оилалар 300 сўмдан нафақа олдилар, бу ишга 50 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилди. Уй-жойларни қайта тиклашга қарз бериш учун яна 100 миллион сўм ажратилди.

Табиий офат зарбаларининг оқибатлари билан СССР Бош вазири В. С. Павлов танишди, шунинг натижасида СССР Вазирлар Маҳкамаси Табиий офат оқибатларини тугатишда Ўзбекистон ССРга ёрдам бериш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

11 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шаҳар, район партия комитетлари биринчи котиблари билан кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошқарди.

(Кенгаш ҳақидаги ҳисобот рўзномада эълон қилинади).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси бугун, 12 июнь куни соат 15.00 да Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бугун, 12 июнь куни соат 11.00 да Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг мажлислар залига овоз беришнинг автомат қурилмасидан фойдаланиш тартиби билан танишиш учун таклиф қилинадилар.

Халқ депутатлари эрта билан соат 9 дан бошлаб Ўзбекистон ССР Президенти аппарати мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши бугун, 12 июнь куни соат 13.00 да Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг кичик мажлислар залида бўлади.

• ФАРМОН ВА ИЖРО

ЖОНБОЗЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК АСҚОТМОҚДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

квадрат-метр металл сеткалар, 135 мингдан ортиқ чинни, уч юз минг дона чўян буюмлар, шунингдек, синтетик пленкалар, мўйна, аккумуляторлар, оҳак ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу йил ёрдамчи ишлаб чиқаришдан 2,2 миллион сўм даромад олиш мўлжалланяпти. Бундан ташқари колхоз ўзининг иссиқлик хўжалигига эга. Ҳамма маҳсулот имтиёзли нархда пенсионерларга ва жамоа хўжалиги аъзоларига харид қилинади.

Янгиариқ пахта тозалаш заводи (директори Х. Қаландаров, партия ташкилоти котиби Б. Худойберганов) қошида момиқ ва пахта ишлаб чиқарадиган «Хоразм» деб аталган кичик корхона очилди. Бу ерда элликка яқин киши меҳнат қилади.

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Вилоятнинг мамлакатимиз бошқа минтақалари билан ҳамкорлик корхоналари қуриш бўйича алоқалари ҳам ривожланиб бораётир. Масалан, Шовот районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги (раиси О. Раҳимов, партия ташкилоти котиби А. Искандаров) ўз ҳудудида ўтган йили Орлов «Радуга» тикув бирлашмаси филиалини очди. Бирлашма хўжаликка жиҳозлар етказиб берди, ўз корхонасида кадрлар ўқувини йўлга қўйди. Ҳозир корхонада икки юздан зиёд киши ишлаётир. Иш жойини тўрт юзтага етказиш кўзда тутилмоқда. Бу билан атрофдаги қишлоқ аҳолисининг бир қисми иш билан таъминланади. Мазкур бирлашма билан колхоз консерва заводи қуриш ҳақида бир битимга келишишган. Асосий сарф-харажатларни «Радуга» ўз зиммасига олмоқчи. Ишлаб чиқарилган ҳамма маҳсулот Хоразм вилоятида сотилади.

Гурлан районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида (раиси С. Машарипов, партия ташкилоти котиби Т. Бекметов) аёлларни иш билан банд қилиш муаммоси ҳал этилди. Хўжалик ҳудудида тикув буюмлари ишлаб чиқарадиган Нижне-Новгород саноат бирлашмасининг филиали очилди. Бу ерда юз киши ишлайдиган иккинчи цех очилиши назарда тутиляпти.

Вилоятнинг ташқи иқтисодий алоқалари ҳам кенгайиб бораётир. Хўжалиқ ҳисобидаги чет мамлакатлар билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси бир қатор чет эл фирмалари билан алоқалар ўрнатган. Ҳозирги вақтда Гурлан районида «Совхалиж» деб номланган Совет-Қувайт корхонасининг иккита филиали ишлаб турибди. Биттаси бир кечаси кундузда йигирма тонна томат, икки тоннадан беш тоннагача сут, икки юз килограмм қуруқ мева ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлайдиган завод қураётган бўлса, иккинчиси эса, ойна комбинати қуриш ишлари билан банд.

ТОМОРҚА ДАРОМАД МАНБАИ

Вилоятда Ўзбекистон ССР Президентининг шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантиришга қаратилган Фармонларининг ижросига тўхталадиган бўлсак, у ҳолда қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи колхозчилар, совхоз ишчилари ва бошқа фуқароларга ўн етти минг гектар ер, 3,2 мингта йирик шоҳли қорамол, 1,4 мингдан ортиқ чўчқа, 2,8 минг бош қўй ва эчки ажратилди, қирқ ярим минг тонна дағал хашак сотилди. Бу топшириққа нисбатан тўрт баробар кўпдир. Фақат шу йилнинг ўзида қўшимча ер ажратиш натижасида ўттиз тўққиз ярим минг оила аъзосига қўшимча ҳақ олиш учун шароит яратилди. Ҳозирги вақтда қишлоқда яшовчи ҳар бир оила ихтиёрида 0,23 гектардан ер, Қўшкўпир ва Ҳазорасп районларида эса 0,25 гектар томорқа бор.

КУН ТАРТИБИДАГИ МУҲИМ МАСАЛА

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш ва бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан давлатнинг йигирма етти миллион сўм маблағи ажратилди. Ўқитувчилар ва болалар уйлари тарбиячиларининг маиший ва моддий турмуш шароитини яхшилашга ўн бир миллион сўм сарфланади. Бошланғич синф ўқувчиларининг бепул эртаблки нонуштаси 8,8 миллион сўмни ташкил этади. Бундан ташқари айрим корхоналар ва ташкилотлар шу мақсадлар учун қўшимча маблағларни қидириб топмоқдалар. Хива гиламчилик бирлашмаси, Урганч районидаги Ленин номли, Калинин номли жамоа хўжаликлари бу борада ибрат бўлишяпти. Шу райондаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги эса (раиси Р. Болтаев, партия комитети котиби Қ. Самандаров) ҳар йили ўз ҳудудида жойлашган учта мактаб ва учта болалар боғчалари тарбияланувчиларининг бепул овқатланишлари учун саксон икки минг сўм ажратади.

Уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи ҳам кун тартибидан муҳим ўрин олган. Корхоналар ва хўжаликлар маблағи ҳисобига 4230 нафар пенсионерга белгиланган пенсиясига қўшимча ҳар ойда ўртача 45,6 сўм тўланмоқда. Масалан, Ҳазорасп районида шу тоифадаги фуқароларга райижроком қарори билан маҳаллий бюджетдан уйларни капитал ремонт қилиш учун бир минг сўм-дан сарфланяпти. Урганч ва Хива шаҳарларида уруш фахрийлари учун тушки бепул ҳайрия овқатлари ташкил этилаётир.

Аҳолини, айниқса, унинг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш учун эллик олти миллион сўм ажратилди. Қатор корхоналар ва ташкилотлар моддий рағбатлантириш жамғармасидан қўшимча тўловлар имкониятини қидириб, белгиланган товонга қирқ-олтмиш сўм тўлашни белгиладилар. Шунингдек, ишлаётган пенсионерларни ижтимоий химоя қилиш бўйича ҳам тадбирлар кўрилди. Масалан, Урганч ёғ-мой комбинатида (директори Т. Мусаев, партия ташкилоти котиби Р. Ортиқов) ишчи ва хизматчиларга олтмиш сўм ўрнига юз сўм миқдорида товон тўлашга қарор қилинди. Корхона бу йил кам таъминланган оилалар ва пенсионерларга эллик минг сўмга яқин пул ажратишга аҳд қилди. Болаларга тўланадиган товон уч юз қирқ минг сўмни ташкил этади. Ёзги таътил чоғида болаларнинг тўрт маҳал овқатланишлари учун ўн минг сўм ажратилди. Комбинат ходимларига уй-жой қуриш учун фоизсиз юз минг сўм ссуда олишга рухсат берилди. Корхона ёрдамчи хўжалиги ишчиларни озиқ-овқат билан таъминлашда катта ёрдам кўрсатяпти.

Боғот дон маҳсулотлари комбинати (директори Қ. Собиров, партия ташкилоти котиби Ў. Машарипов) меҳнат жамоаси кенгаши қарори билан корхона даромадидан ҳар бир ходимга бир юз йигирма сўм миқдорида товон тўланяпти. Байрам кунларида меҳнат фахрийларига, пенсионерларга эллик сўмдан моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Худди, шунингдек, Хива халқ истеъмоли моллари фабрикасида, Хива гилам комбинатида, «Узбекгазстрой» трестининг 1-кўчма колоннасида, Янгибозор районидаги «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигида, Шовот районидаги «Партия XIX съезди» жамоа хўжалигида, Урганч сут заводида, Хонқа пойабзал фабрикасида ва бошқа кўплаб корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қатор амалий чора-тадбирлар олиб борилаётир.

ВАЗИРЛИКНИНГ КЎЧМА ЙИҒИЛИШИ

Гулистон шаҳридаги Ғафур Ғулом номли Сирдарё Давлат педагогика билимгоҳида жумҳурият Халқ таълими вазирлиги кўчма ҳайъатининг кенгайтирилган сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Сирдарё вилоятида жумҳуриятимизда биринчи бўлиб илмий методик комплекси ташкил этилган. Мутахассислар уни ҳатто ҳозирча Иттифоқда ягона дея баҳоламоқдалар. Комплекс боғча-ясли, ўрта мактаб, билим юрти, ёш техниклар мактаби, малака ошириш билимгоҳларидан иборат 13 та бир профилдаги илм масканларини ўз атрофига бирлаштирган. Унинг ҳомийси эса Сирдарё давлат педагогика билимгоҳидир. Бу янги уюшманинг бош мақсади — педагог бўлишни орзу қилган иқтидорли ёшларни боғча ёшиданоқ аниқлаб олиш, мактабда, билим юртида ҳам улар билан замонавий фан-техника талаблари асосида иш олиб бориш, базали мактаблар ва бошқа илмий-педагогик муассасаларда келажак таълим-тарбиячисини камол топтиришдир.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар бундан бир ярим йил муқаддам Жумҳурият Вазирлар Кенгашининг қарорига биноан иш бошлаган илмий методик комплекс жамоаси томонидан амалга оширилган ишлар, айни пайтда йўл қўйилаётган камчиликлар, олдинда турган муаммолар ҳақида қизғин баҳс юритдилар. Жумладан, халқ таълими вазирлиги олийгоҳлар, вилоят халқ таълими бошқармалари олдида турган аниқ вазифалар ҳақида тўхталиб ўтилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Жумҳурият Халқ таълими вазирлигининг сайёр ҳайъати мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби К. Юсупов, Жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси Раисининг муовини Э. Самандаров ўртоқлар иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Халқ ҳақига хиёнат қилишга уялмайсизми?

ОЛҒИРЛИКНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛАДИ

Оммавий тақчиллик шароитида жумҳуриятимиздан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мамлакатнинг марказий минтақаларига кўп миқдорда ташишга уриниш ҳоллари кучаймоқда. Айрим нопок шахслар шундай йўл билан тез бойиш пайида бўлишмоқда.

Навоий шаҳридаги «ГЕО-ЭКОЛИЯ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида ташкил қилинган тижорат маркази бош бухгалтери Ш. А. Сатторов ҳам шундай бойиш йўлини излади. Шу мақсадда у бирлашма кассасидан нақд пул ҳисобида 20 минг сўм олиб унга шаҳардаги савдо тармоқлари, турли шахслардан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиб, Ленинграддаги «ЭТП» ишлаб чиқариш бирлашмасига жўнатиш учун вагонга жойлади.

ОБХСС ходимлари мазкур юкларнинг ҳужжатлари билан қизиқиб қолганликлари табиий. Текширишда йўл ҳужжатларида кўрсатилган сабзавот ва мева шарбатлари билан бир қаторда вагонда 652 килограмм юқори навли макарон ҳам борлиги аниқланди. Ваҳолонки, бундай маҳсулот шаҳар савдо тармоқларида тақчилдир.

Вагондаги маҳсулотларнинг умумий қиймати текшириб кўрилганда эса ҳужжатлар билан тафовути 9 минг 333 сўмни ташкил қилиши аён бўлди. Навоийлик оператив ходимлар озгина эътиборсизлик қилганларида Ш. А. Сатторов худди шунча маблағни ўзлаштирган бўлур эди.

Айни маҳалда бирлашма молиявий хўжалик фаолияти тафтишдан ўтказилмоқда. Сатторов ва унинг ҳамтовоқлари афтидан яқинда терговчи саволларига жавоб беришига тўғри келади.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳузурида бундай ҳаракатларнинг пайини қирқиш мақсадида оператив штаб иш олиб бораяпти. Автомобиль магистралларида кеча-кундуз ишлайдиган тўртта милиция пости ташкил қилинган. Шундай постлар аэропорт, темир йўл вокзалларида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

— Йил бошидан буён милиция ходимлари жумҳурият ҳудудидан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқишга уринган 45 та автомашинани тўхтатиб 131,5 тонна шундай маҳсулот маҳаллий аҳолига сотилди,— дейди вилоят ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлиғи Т. Маннопов, — бухороликларнинг рисқи четга чиқишига йўл қўймаймиз...

Н. НАИМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАШМАЧИЛАРНИНГ ҲОМИЙЛАРИ КИМ?

Сирдарё вилоятида қўшни жумҳуриятларга ўтадиган учта катта йўл мавжуд. Уларнинг вилоят билан чегарадош жойларига давлат автоинспекцияси тўсиқлари қўйилган. Гапнинг рости, сўнгги пайтларда ана шу йўлларда турли транспорт эгалари, ҳайдовчилар ва бошқа шахслар турли маҳсулотларни вилоятимиздан бошқа жумҳуриятларга ташиб кетишга уринишаётганига қараб ҳам афсусланасан, ҳам нафратланасан.

Янгиер яқинидаги қўшни Тожикистон жумҳурияти чегарасидаги ГАИ пости ходимлари шу йилнинг март ойида С. Жўрабоев шахсий юк машинасида 50 қоп унни Ўратепага олиб кетмоқчи бўлганида қўлга олишди. Автоинспекция ходимлари ноқонуний йўл билан олиб кетилаётган юкнинг қаердан олингани ва қаерга олиб кетиш мўлжалланганги сабабларини аниқлаш мақсадида бу ишни Янгиер шаҳар ички ишлар бўлими ходимларига ҳавола этди.

Афсуски, бундай ҳоллар оз эмас. Йўл назорати ходимлари А. Эшбоев деган шахс 175 килограмм чойни, Р. Арслонов 2 тонна пиёз ва М. Сўпиев эса 9 тоннадан ортиқ арпани четга олиб кетишаётганларида тўхататилди.

Катта Ўзбек трактида вилоятимиз ҳудудидан ўтиб, қўшни Қозоғистон орқали бошқа жумҳуриятларга ўтиладиган йўлда ҳам турли-туман озиқ-овқат, халқ истеъмоли молларини ноқонуний йўл билан ташиб кетишга уриниш ҳоллари маълум бўлаётир. Яқинда А. Ёқубов деган шахс «Газ—52» юк автомашинасида Чимкент вилоятининг Пахтаорол ноҳиясига 2,6 тонна картошка олиб ўтмоқчи бўлганида ГАИ ходимлари томонидан тўхататиб қолинди. И. Шеров 4,3 тонна пиёз, А. Аҳмадинов эса 4,4 тонна гуручни қўшни жумҳуриятга олиб кетаётганда қўлга тушди.

Шу ўринда бундай ҳунук ҳоллар авж олишига кимлар ҳомийлик қиляпти, деган ҳақли савол туғилади. Наҳотки, ҳозирги мураккаб шароитда ҳам баъзи шахслар халқ манфаатидан кўра ўз ҳамёнларини қаппайтиришни афзал билмоқдалар? Бундай нопок нафс бандалари ўз қилмишларига яраша жазоланишлари даркор.

Ш. АЛАШОВ, Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси давлат инспекцияси бошлиғи.

А. УМАРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

• ЛУҚМА

НЕГА ИШОНМАЙСИЗ?

Май ойида рўй берган табиий офат натижасида вужудга келган вазият жумҳурият раҳбариятини қаттиқ ташвишга солди. Ўзбекистон ССР Президенти «Аҳолига ёрдам кўрсатиш ва табиий офат оқибатларини тугатиш тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди. Жумҳурият ҳукумати олдига жумладан, нобуд бўлган экинзорларни тиклаш мақсадида деҳқонларни ўғит, уруғлик билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Фарғона вилоятининг Қува райони хўжаликлари учун Тошкент вилоятининг Калинин районидаги «Иваново» давлат хўжалигидан уруғлик маккажўхори етказиб бериш вазифаси қўйилди. Уруғлик олиб келиш учун қуваликлар Калинин номли жамоа хўжалигини вакил қилдилар. Банк ҳисоб-китоби кўрсатилган махсус сўров хати билан вакиллар пойтахт биқинидаги «Иваново» совхозига биринчи июнь шанба куни эрталаб етиб келишди.

— Уруғлик донимиз бор, — деди совхоз директори Ф. Султонбеков. — Марҳамат, пулини ўтказиб олиб кетишингиз мумкин.

— Фаррух Мусаевич, бугун шанба, эртага якшаба, банк ишламайди. Орадан тўрт-беш кун ўтиб кетса, қайта экиш кечикиб кетади. 15 тонналик «КаМАЗ» юк машинаси бекор туриб қолади. Илтимос...

— Йўқ, олдин пул ўтказинглар.

Қуваликлар оҳ-войига тушкент вилоят агросаноат комитети раҳбарлари қулоқ тутишди ва пул ўтказиб бериш ҳақида кафиллик қилишмоқчи бўлишди. Бироқ энди «Иваново» директорини топиб бўлмасди. Бош бухгалтер Х. Собирова эса «Вилоят раҳбари уёқда турсин, министр айтса ҳам бермайман» деб оёқ тиради. Хуллас, қувалик деҳқонларнинг вакиллари қуруқ қайтишди. То улар 450 километр ерга қайтиб борив, банк орқали пул ўтказиб келгунича мажбурий қайта экиш учун ғоят ғаниматт бўлган тўрт кеча-кундуз беҳуда ўтиб кетди.

Наҳот, ризқ-рўз яратувчи деҳқонлар, ғам-ташвиши бир бўлган битта жумҳуриятда яшаб турган оқил кишилар бир-бирларига ишонишмаса!!.

А. АБДУБАННОПОВ.

Нарпай районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигида Ҳикмат Бердиқўров бошчилик қилаётган пешқадам бригада деҳқонлари бугунги кунда дала юмушларини тезу-соз адо этмоқдалар. Механизаторлар ҳам, бригаданинг фидойи аъзолари ҳам бу йил берган ваъдалари устидан чиқиш учун астойдин меҳнат қилмоқдалар.

Ушбу суратларда сиз бригаданинг илғорларини кўриб турибсиз. Уларнинг чеҳраларида ўз ишларидан мамнунликлари акс этган. Бундан кейин амалга оширилаётган долзарб вазифалар жамоанинг ҳар бир аъзосини эртага бугунгидан ҳам аълороқ ишлашга даъват этмоқда.

Н. НОРҚУЛОВ олган суратлар.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ МАЖЛИСИ

10 июнь куни Кремлда А. И. Лукьянов раислигида СССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Кенгашнинг бешинчи сессияси ишини давом эттириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Яқин вақт ичида корхоналарни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси, аҳоли даромадларини индекслаш тўғрисидаги Қонун асослари, жиноят қонунлари асослари муҳокамасини ниҳоясига етказиш, жамоа шартномалари тўғрисидаги ҳамда давлат фан-техника сиёсати ҳақидаги қонунларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишга киришиш зарур, деб топилди. СССР Олий Кенгашининг яқин вақтларда ўтказиладиган мажлисларидан бирида СССР Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисидаги ахборотини тинглаш мўлжалланмоқда.

Раёсат Съезднинг ва СССР Олий Кенгашининг иш тартибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларини тайёрлаш соҳасидаги иш қандай бораётганлиги ҳақида СССР Олий Кенгаши давлат қурилиши комитетининг раиси Н. Д. Пивоваровнинг ахборотини тинглаб, мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларни мамлакат олий ҳокимият органининг муҳокамасига киритишга қарор қилди.

Мажлисда давлат турмушининг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама этилди.

(ТАСС).

• Қишлоқ қурилишига юксак маром

ПИРОВАРД НАТИЖА САЛМОҒИ

КЎП ЖИҲАТДАН БУ — ИНТИЗОМ ТАЛАБЛАРИГА ҚАНЧАЛИК АМАЛ ҚИЛИНИШИГА БОҒЛИҚ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА

Жумҳуриятимиз қишлоқларида кейинги пайтда кўплаб қайта ишлаш корхоналари, майда цехлар ишга тушириляпти. Айниқса, мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрловчи заводларни барпо этиш анча кенгаймоқда. Бундай корхоналарнинг эскилари янгитдан жиҳозланиб, қайта таъмирланяпти.

Ана шундай қайта ишлаш корхоналаридан бири — Ўзбекистон Мева-сабзавот ишлаб чиқариш давлат кооператив бирлашмаси Ўзбекистон ССР Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан давлат концернига айлантирилди. Янги тузилманинг асосий вазифаси мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмоли ва ишлаб чиқаришини олдиндан режалаштириш, бозор талаблари, баҳо ва нархларни ўрганиш асосида маҳсулотлар сотиб олиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни ташкил этишдан иборат. Очиғи, янги концерн қайта ишлаш корхоналаридаги технологик жараёнларни такомиллаштириб, ишлаб чиқариш қувватларини бирмунча ошириши, энг муҳими ушбу корхоналар бир маромда ишлашини таъминлаши керак.

Бу ва бошқа бир қатор муаммоларни ҳал қилишда концернга қишлоқ қурувчилари, биринчи навбатда қишлоқда бош пудратчи ҳисобланган «Узагростройсервис» бирлашмаси бунёдкорлари ишончли ҳамкор бўлишлари лозим. Хўш, қурувчилар зиммадаги бу вазифани қандай уддалашяпти? Улар концерн буюртмалари бўйича қандай ишларни амалга оширишмоқда?

Аввало шуни айтиш керакки, концернга ёрдам беришнинг узоқ муддатли режалари белгилаб чиқилган. Ҳозир мева-сабзавот маҳсулотлари етиштираётган жойларда хом ашёни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарини яқинлаштириш катта самара бермоқда. Шу боис ҳам бинокорлар 1995 йилгача республикамизнинг турли жойларида қарийб 500 га яқин кичик кўчма цехлар қуришни кўзда тутишяпти.

1990 йилги ва шу йилнинг январь—февраль ойларидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, мева-сабзавот хўжалигига тегишли объектларда лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишлари анча кенгайиб, тезлашиб кетди. Агар кейинги беш йилликни олиб кўрадиган бўлсак, қайта ишлаш корхоналари ва маҳсулот сақлаш омборларини қуриш ҳажми қарийб икки баравар кўпайди. Албатта, шунга яраша асосий фондларни ишга туширишга ўсди. Бунда «Узагростройсервис» бир қанча бўлинмаларининг қайта ишлаш тармоғи учун махсус корхоналар барпо этиш ва таъминлашга ихтисослашгани ҳам қўл келди. Жумладан, йирик қувватли республика 1-ихтисослашган қурилиш-монтаж трести бунёдкорлари бу соҳадаги план-топшириқларни ошириб бажаришди. Улар ўтган йили қарийб 27 миллион банка мева-сабзавот консерваси тайёрлайдиган қувватларни ишга туширдилар. Бу соҳадаги план 150 фоиз уддаланди.

1991 йилнинг бошланиши ҳам чакки бўлмади. Трестнинг кўпгина механизациялашган кўчма колонналарида йилнинг биринчи ярмидаёқ тайёр объектларни фойдаланишга топшириш бошланди. Ҳозир қурувчилар Андижон консерва заводидаги эски цехларни технологик қайта жиҳозлаб, таъмирлашяпти. Яқин орада 10 миллион банка консерва маҳсулотлари тайёрловчи янги қувватлар ишга туширилади. Янгийўл консерва, Паркентдаги виночилик заводлари ҳам замонавий ускуналар билан таъминланиб, қўшимча қувватларга эга бўляпти. Трест бунёдкорлари Бухородаги «З-Облагропромстрой» тестидаги ҳамкасблари билан биргаликда вилоятда бир йўла 8 минг тонна шарбат сақлай оладиган омборхонани қуриб битказишди. Умуман олганда, «Узагростройсервис» қурувчилари пландаги 52,8 минг ўрнига 64,2 минг тонналик ҳажмда мева-сабзавот маҳсулотлари сақлайдиган омборхоналарни барпо этишди.

Албатта, бундай натижалар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бироқ баъзи ташкилотларда қурувчиларнинг ўзлари план кўрсаткичларининг бажарилмай қолишига сабабчи бўлишяпти. Бинокорлар ўртасида тартиб-интизом бўшашиб кетган. Охир-оқибатда кўзланган режалар барбод бўлмоқда.

Масалан, Самарқанд ва Наманган вилоятлари хўжаликларида мева-сабзавот етиштириладиган жойларда маҳсулотни қайта ишлаш цехларини куз ойларида қуриб битказиш кўзда тутилганди. Аммо норматив бўйича бир неча ойга мўлжалланган қурилишлар ниҳоясига етмай, ўлда-жўлда қолиб кетди. Қурилиш бошланишидаёқ лойиҳа-смета ҳужжатлари вақтида берилмади, маблағ билан таъминлаш анча кечикди.

Хуллас, объектни ишга туширишни 1991 йилнинг биринчи кварталига қолдиришди. Бироқ, бугунга келиб ҳам мазкур цехлар қурилишида силжиш сезилмаяпти. Бинокорлар ўртасида ташаббуссизлик, хўжасизлик ҳукмрон.

Шаҳрисабз консерва заводидаги аҳвол ҳам ачинарли. Бу ерда буғ қозон-мазут хўжалигини ишга туширишнинг бешинчи марта барбод бўлаяпти. Ҳолбуки, вақт кутиб турганги йўқ. Ўн йил олдин завод учун ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари эскириб, ҳозирги замон техника тараққиёти талабларига жавоб бермай қолди. Афсуски, бу вазият қурилишни олиб бораётган «Кашкадарьяоблагростройсервис» трести бинокорларини ташвишга солмаяпти. Улар завод учун зарур бўлган янги қувватларни ишга туширишни кечиктиришмоқда.

Хазорасп консерва заводи қурилиши ҳам қониқарсиз олиб бориляпти. Бу ерда 5 миллион банка маҳсулот ишлаб чиқарувчи қувватларни фойдаланишга топшириш чўзилмоқда. «Сурхондарьяоблагростройсервис» бирлашмаси эса «Денов» совхозида 1 минг тонна маҳсулот сақлай оладиган омборхона қурилишини ҳануз тугатгани йўқ. Қурувчилар объектни электр билан таъминлаш масаласини ҳам ҳал қила олишмаяпти.

Хулоса шуки, «Узагростройсервис» бўлинмалари мева-сабзавот хўжалиги, умуман қишлоқ хўжалиги учун бугунги кунда ошиб бораётган талаблар асосида объектлар қурилишини жадаллаштиришни кечиктириб юборишмоқда. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар дастури ҳанузгача етарли аниқлаб олингани йўқ.

Эндиликда бундай аҳволга чек қўйиш лозим. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиши даврида қанча қайта ишлаш корхоналарини ишга туширсак, деҳқонларимиз етиштирган мева-сабзавот маҳсулотлари шунчалик кўп даражада Иттифоқда, қолаверса чет элларда ўз истеъмолчиларини топади. Бинобарин, пировард натижа салмоғи анча фойдали бўлади.

И. АҲМЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ТАЛАБАНИНГ ИККИНЧИ УЙИ»

Рўзномамизда чоп этилган (18 май, 1991 йил) шу сарлавҳа остидаги рейд материалида талабалар истиқомат қилаётган Тошкент шаҳри ётоқхоналаридаги камчиликлар очиб ташланганди. Яқинда мақола юзасидан Охунбобоев номли республика медицина билим юртидан расмий жавоб келди:

— Мақолада айтилган камчиликлар билим юрти раҳбарияти ва хўжалик ишлари ходимлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Келтирилган фактлар ҳақиқатда рўй берганлиги эътироф этилди.

Билим юртида иккита ётоқхона бўлиб, улардаги мавжуд ўринлар эҳтиёжнинг 50—55 фоизни таъминлайди, холос. 1-ётоқхона 1990—1991 йиллар мобайнида ремонтдан чиқарилган. Бу ерда талабаларнинг яшаши учун барча қулайликлар мавжуд.

2-ётоқхона 1970 йилда фойдаланишга топширилган. Сўнгги пайтларда ётоқхона томидан чакка ўтиши кузатилмоқда. Чакка ўтишини бартараф этиш учун бир неча маротаба жорий ремонт ишлари бажарилди. Лекин бу ишлар етарли натижа бермагач, томни тунука ва шифер билан қоплаш режалаштирилди. Бунинг учун 34 минг сўм маблағ ажратилди.

Ҳозир томни бекитиш ишлари ниҳоясига етай, деб қолди. Шу ётоқхонадаги стол стуллар ва дераза, эшиклар ремонт қилинди. Ётоқхона қошидаги ошхона таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Ётоқхона атрофидаги ахлат уюмлари олиб кетилди. Ҳозир 2-ётоқхонани капитал ремонт қилиш режалаштирилаётир. Бу ишлар шу йилнинг сентябрь ойида бошланиши кўзда тутилмоқда.

ТАҲРИРИЯТДАН: медицина билим юрти жамоаси рўзноманинг танқидий чиқишидан тўғри хулоса чиқариб, аҳволни ўнглаш учун ҳаракат қилаётгани яхши. Аммо рейд материалида Тошкент болалар тиббиёти олийгоҳининг салкам 2 минг талабаси истиқомат қиладиган ётоқхонасидаги камчилик ва нуқсонлар ҳам аниқ фактлар асосида очиб ташланганига қарамай олийгоҳ раҳбарлари унга ҳозиргача ўз муносабатларни билдиришмади. Ё талабалар турмуш-турмуши уларни қизиқтирмасмикин?

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Шу қарорга биноан вайрон бўлган уй-жой ва ижтимоий-маиший иморатлар ўрнига янгисини қуриш учун Ўзбекистонга 360 миллион сўм ажратилди. Республика зарур ҳажмдаги моддий-техника ресурслари ва озиқ-овқат олади. Бундан ташқари тузатиш-тиклаш ишлари учун 80 миллион сўм, шунингдек чет эллардан сотиб олинган 10 та ғишт заводи, иккита цемент заводи учун асбоб-ускуна, катта кесимли қувурлар ажратилди. Молия соҳасида баъзи енгилликлар берилди, шу жумладан колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг экинларни қайта экиш учун қилган амалдаги чиқимлари ўрнини қоплашга қайтиб олмаслик шарти билан пул бериладиган бўлди.

Бинобарин, республикадаги табиий офат оқибатларини тугатиш учун куч ва воситалар бор. Бир қанча вилоятларнинг раҳбарлари қайта тиклаш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида мажлис қатнашчиларига ахборот бердилар.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси кўриб чиқилди.

Республика деҳқончилик фани соҳасида катта салоҳият тўпланганлиги қайд этилди. Бироқ тарқоқлик, олимларнинг ишини мувофиқлаштириш ва пул билан таъминлашга қодир бўлган ягона марказнинг йўқлиги сабабли кўпинча шу салоҳиятдан тўла-тўкис фойдаланишнинг имкони бўлмаяпти. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлари Академиясининг барпо этилиши бу соҳадаги фундаментал ва амалий ишланмаларни самаралироқ олиб боришга, республика олимларининг мамлакатдаги ва дунёдаги нуфузини оширишга ёрдам беради. Аммо бунинг учун даставвал пухта ташкилотчилик ишини ўтказиш, академия ва унинг барча бўлинмаларини барпо этиш соҳасидаги биринчи галдаги вазифаларни режалаштириб олиш зарур.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва республика аҳолисини шу маҳсулот билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Деҳқончилик-саноат мажмуининг одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги иши самарадорлигини ошириб, мазкур муаммони пухта ишлаб чиқишни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлис қатнашчилари республика ташқарисига мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш соҳасида «Узплодоовошчвинпром» концерни ва «Узкоопзаготторг» бирлашмасининг бўлинмалари тузган шартномаларнинг иқтисодий асосланганлигини ҳам таҳлил этдилар.

Ҳозир шундай маҳсулотларни етказиб беришнинг анчагина ҳажмлари Ўзбекистон учун манфаатли бўлмаган шартлар асосида амалга оширилмоқда. Моллар мутлақо етишмай турган бир вазиятда мева-сабзавот маҳсулотлари кўп ҳолларда бошқа минтақаларга фақат пулга сотилмоқда. Шундай қилиб, товар-материал ресурслари билан мустаҳкамланмаган маблағ тўпланиб қолмоқда.

Республикага зарур бўлган молларни муқобил етказиб беришни ҳисобга олмай, шартномалар тузилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблашга қарор қилинди. Тегишли ташкилотларга мева ва сабзавот эвазига Ўзбекистонга гўшт, сут маҳсулотлари, болаларга аталган моллар, бошқа камчил маҳсулотлар имкони борича кўпроқ юборилишини таъминлаш учун шартномаларнинг шартларини қайта кўриб чиқиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг Тошкент область Жигаристон қўрғонидаги табиий офат (ер кўчиши) тафсилотларини текшириш натижалари тўғрисидаги хати ўқиб эшитирилди. Ангрен шаҳрининг маъмурлари табиий офат эҳтимоли борлиги тўғрисида бир неча бор огоҳлантирилганлигини ўтказилган текшириш кўрсатди. Шаҳар ижрокомининг вакиллари Жигаристон аҳолисини вужудга келган хавф-хатардан огоҳ қилиш учун у ерга борганлар. Аммо улар зарур даражада сабот ва қатъият кўрсатмаганлар.

Шундай қилиб, масъул шахсларнинг ҳаракатларида жиноят нишонаси йўқ, бироқ улар бепарволик ва масъулиятсизликка йўл қўйганлар, натижада фожиа содир бўлган. Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг қарорига кўра, бунда айбдор бўлган шахслар муносиб тарзда жавоб берадилар.

ЎзТАГ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТЛАРИДА

10 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мудофаа, Давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Бухоро ва Фарғона вилоятларининг умумий таълим мактабларида, билим юртлари ва техникумларида армияга чақириладиган йигитларни тайёрлашнинг аҳволи тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Вилоятларнинг ижроия комитетларига ўқув юртларида йигитларни армияга чақирилгунча тайёрлашни ташкил этиш соҳасидаги камчиликларни жуда қисқа муддатда тугатиш ва бу ишни тубдан яхшилаш тавсия этилди.

Қатағон йилларида қонунга хилоф равишда ҳукм қилинганларни оқлаш қандай бораётганлиги тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Олий суди ва прокуратураси раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлашга ва «Қатағон йилларида қонунга хилоф равишда ҳукм қилинганларни оқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини тайёрлашни шу гуруҳга топшириш қарор қилинди.

Мажлисда комитетнинг байналмилалчи жангчилар ишлари билан шуғулланувчи комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

11 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика комитетининг мажлиси бўлди.

Комитетнинг «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ўрта Осиё темир йўлининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан ҳамжиҳатлиги даражасини ошириш тўғрисида»ги қарори ҳамда комитет билан Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳар йўлларида қатнайдиган автобуслар ва электротранспорт ҳайдовчиларини пенсия билан таъминлаш юзасидан имтиёзлар белгилаш тўғрисида»ги қарорлари қандай бажарилаётгани хусусидаги масалалар муҳокама қилинди. Мажлисда комитетнинг ярим йиллик иши тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги комитетининг мажлисида Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида Ўзбекистон ССР-нинг «Ер тўғрисида»ги Қонуни амалда қандай қўлланилаётгани ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Депутатлар бир қанча мулоҳазалар, таклифлар ва истаклар билдиришди.

Комитетнинг «Жиззах вилояти халқ депутатлари маҳаллий Советларининг колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва фуқаролар шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга доир ишлари тўғрисида»ги 1990 йил 15 август қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала илгари қабул қилинган қарорларни назорат қилиш тариқасида кўриб чиқилди.

* * *

11 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

«Ўзбекистон ССРда Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. «Мулоҳазалар, таклифлар, қўшимчалар ва истаклар ҳисобга олиниб, қонун лойиҳаси маъқулланди. Ушбу қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун жумҳурият Олий Кенгаши Раёсатига тақдим этишга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССР Президентининг «Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 45 йиллигини байрам қилиш муносабати билан Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Фармони қандай бажарилаётганлиги ҳамда комитет шу йил апрелда ўтказган кенгаш якунлари ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат комиссияси ўз раёсати йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ котиби Р. Ҳ. Абдуллаевани партияга тиклаш ҳақида берган аризаси билан боғлиқ масалани муҳокама этган ва бунинг қисқача баёни рўзномада («Совет Ўзбекистони», 1991 йил 19 апрель) босилган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат комиссияси ҳамда рўзнома номига бир қатор хатлар олинди ва улар бир-бирини тамомила инкор этадиган тарзда қарама-қаршидир: «800 кунлик қамоқ жазоси иродасини бука олмаган Раъно Абдуллаевага бизнинг табрик ва энг яхши истакларимизни етказиб қўйишингизни сўраймиз...» қабилидаги хатлар билан бир қаторда мана бунақанги мазмундаги «мактуб—ультиматум»лардан ҳам кўз юма олмаймиз: «...агар Абдуллаеванинг хатоларини оқлайдиган бирон бир мақола босиб чиқарилса, мен рўзномангизга бўлган обунамдан ихтиёрий воз кечаман...».

Р. Ҳ. Абдуллаева шахсига нисбатан бунчалар қарама-қарши фикрлар бонси нимада! Бўҳтон қайда-ю, ҳақиқат қайда!... Рўзнома таҳрир ҳайъати муштарийлар қўйган саволларга ойдинлик киритишни лозим топди. Шубҳасиз, бу давримизнинг адолат йўли ва ошкоралик руҳига ҳам хосдир. Ана шу мақсадда мухбиримиз Ўзбекистон Компартияси ижтимоий муаммолар институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Р. Ҳ. Абдуллаева билан учрашиб мулоқотда бўлди.

КИМСИЗ, РАЪНО ҲАБИБОВНА?

МУХБИР: — Қанчалик оғир бўлмасин, Раъно Ҳабибовна, аччиқ ҳақиқатни юзга айтишга тўғри келади. Одамлар орасида «Абдуллаевани суд оқласа ҳам, халқ оқламайди»— деган баҳога дуч келамиз. «Абдуллаева даврида Наврўз кўмилди! Динга қарши ҳужум бошланди! Минг йиллик урф-одатларга ўт кетди!», «Одамлар вафот этган ўз жигаргўшасини эмин-эркин кўма олмай, таъзияга бемалол боролмай, юрак ҳовучлаб қолишди!». Бундай хулосаларни сиз ўзингиз қандай изоҳлайсиз!

Р. АБДУЛЛАЕВА: — Агар мен тарихчи бўлмаганимда ва 30—40-йилларда қандай қилиб ҳалол кишиларни «ҳокимият» ва «қонун» номи билан «халқ душмани»га айлантиришганини ва, қанчалар аянчли бўлмасин, бу кўргуликни 80-йилларда ўз бошимда синаб кўрмаганимда эди, эҳтимол, мен учун ҳам кўп нарсалар қоронғу бўлиб қоларди... Мен оддий қишлоқ ўқитувчисидан Марказком котибигача бўлган йўлни босиб ўтдим ва 32 йил раҳбарлик лавозимларида ишладим. Бутун умримни, ҳаёт йўлимни ҳалол ва виждоним тоза ҳолда ўтаб келдим ва иш манфаати учун баъзан ўзимдан ҳам, оилам қувончларидан ҳам кечдим. Менинг виждоним тоза ва ҳеч қачон халқимга қарши борган эмасман. Бироқ, ҳақиқатни излаш жараёнида адашган кезларим бўлган. Ахир ишлаган одам адашади ва хато ҳам қилиши мумкин...

МУХБИР: — Саволга яқинроқ ёндашилса мақсадга мувофиқ бўларди. Хатолар ҳар хил бўлади...

Р. А. — Саволингиз нега бу қадар кескинлигини тушуниб турибман, чунки кўплар мен ҳақимда тарқатилган бўхтон ва ёлғонларнинг гирдобида қолган... Бир гуруҳ «эркак»лар эса ана шу уйдирмаларни тўқишган ва тарқатишган. Менинг ҳибсдалигим ва, энг қулайи, жавоб қила олмаслигимдан фойдаланишиб, улар матбуот минбарларидан кенг фойдаланишган. «Қаҳрамон»ларнинг бу усули қарийб тўрт йилча давом этди ва оқибатда ҳар хил фикрлар шаклланишига сабаб бўлди. Мен бор-йўғи уч йил Марказком котиби бўлиб ишладим. Ш. Р. Рашидов пайтида эса мен бирон марта ҳам Марказком бюроси таркибига кирган эмасман. Бироқ, Октябрь инқилобидан буён юз берган хатоликларни менинг елкамга ортишга уриниб кўришди. Асосий мақсад эса мени «жиноятчи» ва «халқ душмани»га айлантиришдан иборат эди. Мен ҳамма гапни бирма-бир ҳикоя қилсам, газетанинг тўрт саҳифаси ҳам етмайди. Буларнинг барчасини қамоқхона камерасида битилган 700 betлик эсдаликларимда батафсил баён этганман.

Биринчи навбатда Усмонхўжаев ва Анишчевлар билан экономикани партиявий бошқариш, идеология ва кадрлар масалаларида орамиз бузилди. Иккинчидан, мен Нишоновнинг 15 йиллик дипломатик саёҳатдан жумҳуриятга «жабрдийда» ролида қайтишига қаршилик билдирдим ва «унинг нимаси жабрдийда бўлар экан?» деган саволни кўндаланг қўйганман. Лекин менинг жиддий қаршилигимга қарамай, марказнинг таъзийқи остида у жумҳурият ташқи ишлар министри вазифасини эгаллади. Орадан қисқа вақт ўтиб Р. Нишонов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига кўрсатилганда ҳам мен Марказий Комитет ишчи секретариати мажлисида унинг номзодига кескин ва қатъий қарши чиқдим. Бунга Нишоновнинг аллақачон пенсия ёшига етганлиги, қолаверса, холис фикр юритишдан йироқ шахс эканлиги каби катта доирадаги раҳбарга номуносиб ҳислатларини сабаб қилиб кўрсатдим. Бироқ ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев ўз мустақил фикрига эга бўлишга ожизлик қилди ва оқибатда ўша йилларда марказда кадрлар билан «узоқни кўзлаб» иш олиб бораётганларнинг қўллари баланд келди. Нишонов менинг ошкора қаршилигимни, табиийки, кечиролмасди. Қолаверса, унинг олдида яшириш мақсад — жумҳуриятнинг юқорироқ ўрни учун кураш вазифаси турарди. Бу йўлда эса мен Марказком бюросидаги ноқулай, балки бирдан-бир жиддий тўсиқ эдим.

Айни пайтда мен етарли тажрибага эга бўлмаган Сатиннинг Ўзбекистон пойтахти партия ташкилотига етакчи бўлиб келишига ҳам қарши бўлганман. Мана шу аснода 1987 йил бошларида улар биргалашиб, «Абдуллаева иши»ни ясашди. Тақдир ўйинини кўрингки, бу иш юзасидан тузилган Марказком комиссиясига айнан Нишонов раисликкa танланди. Комиссиянинг адолатдан йироқ «маълумот»лари мафкура қотибини қулатиш билангина кифояланиб қолмади, балки кейинчалик уни жиноий жавобгарликка тортиш учун Гдлян қўлига тутқазишди... Қисқача айтганда Нишонов, Анишчевлар тузган пухта режа асосида мен ишдан четлатилганимдан кейин ҳам «қўйдек» ювош, уларга бўйсинувчи бўлиб қолмаганимдан кейин эса, улар мени халқ кўзидан йўқотиш пайига тушдилар. Мана шу ҳолатда менга нисбатан сохта жиноий айбномалар тузиш бошланди. Марказдан Катусев, Гдлян, Иванов ва бошқалар уларга ёрдамга келишди. Бироқ бу ишларнинг бошида Нишонов ва унинг ҳокимиятга бўлган ўзига хос интилиши турарди.

Мени ҳибсга ташлаш ким учун керак бўлиб қолди? 1990 йил январида бўлиб ўтган СССР Олий суди мажлисидаги 7 соатлик нутқимда мен «ўзбеклар иши» кимлар томонидан ва қай мақсадда тўқилган бўхтон эканлигини исботлаб бердим. Айни пайтда бу ҳаракат халққа нисбатан қилинган сиёсий жиноят эканлигини фош этиб, унинг тепасида турғанларни, жумладан Нишонов, Катусев, Гдлян, Ивановларнинг номини тилга олдим ва ўшандан кейин орадан бир ярим йил вақт ўтганига қарамай, улардан биронтаси, шу жумладан Нишонов ҳам бу айбномани рад этишга ошиққан эмас.

МУХБИР: — Раъно Ҳабибовна, Наврўзга ва динга бўлган муносабатингиз аниқ бўлмагунча, ушбу саволга нуқта қўя олмаймиз. Минг йиллик қадриятларга тажовуз қандай юз берди!

Р. А. — Бугун Наврўз ўз қадрини топиб, халқ байрамига айланганидан астойдил хурсандман. 1986 йилда «Хотира куни» биринчи марта нишонланганидан сўнг, баҳор байрамини таъсис этиш ҳақида ташаббус билан чиққанимиз рост. Марказкомнинг мафкура бўлимлари керакли материаллар тўплашга киришдилар. Тайёргарлик жараёнида эса бундай байрамнинг керак ва керак эмаслиги ва, айниқса, унинг номи хусусида қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Бировлар Наврўз номини сақлаш, яна бировлар эса янгича Навбаҳор деб аташни таклиф қилишди. Ўзим шахсан «Навбаҳор» тарафдори бўлдим, чунки бу сўз нисбатан ўзбекча жаранглагандек бўлиб туюлди менга. Биз ҳали бу ҳақдаги материаллар ва таклифларимизни узил-кесил раҳбарият муҳокамасига қўйиб улгургунимизга қадар 1987 йил февраль ойида бўлиб ўтган Марказком ишчи секретариатида Нишонов ва Қодиров тўсатдан кўча-кўйдаги шовшув гапларнинг атрофида сўз юритишиб қолишди. Навбаҳор ҳақидаги материал ва таклифлар билан танишмай турибоқ, улар мени Наврўзнинг душманига чиқариб қўймоқчи бўлишди. Яхшиси, шу секретариат мажлиси стенограммасига мурожаат қилайлик:

«Абдуллаева: — ...агар мен нимани-дир хато қилаётган бўлсам, ўз фикрларингизни айтинглар, агарда мен қизиққонлик қилаётган бўлсам, келинглар, бу масалани чуқурроқ муҳокама қилайлик, орамизда тушунмовчилик бўлмасин, бир-биримизни тушунмай ўтирмайлик, хатога ҳам йўл қўймайлик. Менга Наврўз ҳақида савол берганларга мен уни ҳеч ким ман этмаганлигини ва истаганлар бемалол байрам қилаверишини айтганман.

Усмонхўжаев: — Наврўз ҳақида ҳеч қандай гап-сўз бўлмасин. Агар кимдир сумалак қайнатадими, ким уни байрам қиладими, марҳамат, қилаверсин. Махсус Навбаҳор байрамини ҳам таъсис этмайлик.

Қодиров: — Наврўз билан боғлаш ҳам керак эмас.

Абдуллаева: — Агар қарор бўлмаса, у ҳолда биз тайёрланган барча тадбирларни бекор қилишимиз керак.

Усмонхўжаев: — Наврўз ҳақида ҳеч қандай ҳужжат ва ҳеч қандай қарор керак эмас деб ўйлайман.

Қодиров: — Мен ҳам шундай ўйлайман.

Нишонов: — Энг муҳими, бу байрамга ҳеч қандай диний тус бермаслигимиз керак. Келинглар, шу барча тадбирларни кўчат экиш ойлигига айлантирайлик!».

Ниҳоят 1990 йилга келиб Наврўз чинакам халқ байрами сифатида ўз ўрнини топди. Лекин шуни ҳам тан олишим керакки, кечаги кунимизни танқидий баҳолаган ҳолда, мен ундаги ўз хатоларимни ҳам яққол кўраман ва тан оламан: Наврўзга тил тегизишимга ҳожат бўлмаганлигини бугун чуқур ҳис қилиб турибман!.. Ҳаёт — муаллим, деганлари шу бўлса керак-да...

Энди «динга ва урф-одатларга бўлган тажовуз» ҳақидаги саволга жавоб бераман. Мен бунга қўшимча қилиб айтишим мумкинки, мени мачитлар ва мадрасаларни бузишда, миллий кийимларни ман этишда айблаганларини ҳам биламан. Мен бундай хусуматли айбларни қатъиян рад этаман... Ушбу раддиямга жойлардан конкрет айбномалар келса, мен жавоб беришга ҳар қачон тайёрман. Менинг «даҳрийлигим» ҳақидаги даъволар ҳам бор, албатта. Атеизм мендан бошланмаган-ку, ахир! Атеистик ва диний дунёқараш 4 минг йиллик тарихга эга эканлигини айтиш кифоя. Бу кўҳна дунё атеистик йўлда қанчалар қурбонлар берганлиги сир эмас. Афсуски, бизнинг давримиз ҳам бундан мустасно бўлмади... Мен бундан чуқур афсусланаман ва катта сабоқ оламан. Бугунги кунда давлат ўз йўлидан, дин ҳам ўз йўлидан бориб, умуминсоний қадриятларни, жамият манфаатларини ҳимоя қилишда улар ўзаро ҳамкорлик йўлини тутаётганлигидан мен астойдил хурсандман.

МУХБИР: — Эгилган бошни қилич кесмайди, дейдилар. Бу яхши! Маълумки, сизга қарши қўзғатилган «жиноий ишда» квартира масаласи ҳам бор эди. У қандай якун топди!

Р. А. — 1982 йилда бизнинг тўрт кишилик оиламиз тегишли қарор асосида коттежга кўчиб ўтди. Давлат уйи давлат ҳисобидан ремонт қилингани ҳам рост. Нишонов бошлиқ «нуфузли» комиссия ремонт жараёнидан ҳам бир қанча «жиноий ҳаракат» топган ва кейинчалик бу уйдирма Гдлян учун катта дастакка айланган эди. СССР прокуратураси, қолган «барча айбнома»лар қаторида квартира масаласида ҳам жиноят воқеаси йўқлигини расман тасдиқлади. Бу ерда ортиқча изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

МУХБИР: — 80-йилларда тирноқ остидан кир ахтарилиб кўпгина кадрлар ишдан четлатилди, турли йўллар билан бадном қилинди. Бу «айбнома»ларнинг кўпчилиги сохта бўлиб чиққанини ҳаёт кўрсатди. Адолатсизликка учраган кадрларнинг бир қисми тикланди ва тикланмоқда. Афсуски, қораланганларнинг ҳаммаси ёруғ кунларга етиб кела олдилар деб бўлмайди. Оғир руҳий маънавий зарба остида ҳаётдан кўз юмганлар ҳам бўлди. Айблаш осон, оқлаш қийин, буни энди ўзингиз ҳам бошдан кечирмоқдасиз, бу довул сизни ҳам четлаб ўтмади... Сиз мафкура жабҳаси бошида турган йиллардаги кадрлар сиёсатини бугун қандай баҳолайсиз!

Р. А: — Партиявий ишда структура тузилишини айтиб ўтмасам кўпчилик мени тўғри тушунмаслиги мумкин. Гап шундаки, марказдан қуйи партия комитетларигача кадрлар билан бевосита шуғулланадиган бўлим ва котиб мавжуд. Агар эътибор қилсангиз, марказдан келган янги кадрлар, энг аввало, ана шу бўғинни забт этдилар. Марказдан ўртоқ Анишчев аниқ режа билан Марказий Комитетга шу ўринни кўзлаб юборилди ва ўзидан муқаддам ишлаб келаётган Т. Н. Осетровнинг қадамини ўлчашдан иш бошлади. Оқибат нима билан тугагани маълум. Осетров батамом оқланди, бироқ оқлангунга қадар йиллаб қамоқда ўтирди. Кимнинг қўли билан юз берди бу бедодлик? Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Б. Раҳимов, Н. Ражабов, И. Жабборов каби кейинчалик бутунлай оқланиб чиққанларнинг қўл-оёғини боғлаб берганлар ким эди? Бугун қаерда улар? Афсуски, улар бугун ҳам ошкораликкинг овози етмас баланд қояларда юришибди! Партия штабида кадрлар билан шуғулланган масъул ўринлар маҳаллий кадрларга шубҳа ва ҳатто кўп ҳолларда паст назар билан қаровчи шахслар қўлига ўтиб қолган эди. Уларни ҳар қадамда Москвадан Лигачев, Разумовский, Могильниченко, Бессарабов, Пономарев ва бошқалар илҳомлантириб туришарди. СССР прокуратурасининг раҳбарлари Рекуньков, Катусев, Каракозовлар эса Гдлян ва Иванов бошлиқ «жазо отряди»ни деярли улар ихтиёрига топшириб қўйган эдилар. Бир гуруҳ маҳаллий аламзадалар ҳам улар билан қўлни-қўлга бериб иш олиб боришарди. Бу муайян мақсадларни кўзлаб тутилган иш бўлганди. Ва, афсуски, кўп ҳолларда биз ҳам нари борса бир учини кўриб қолардик, илдизини билиш ҳаммага ҳам муяссар бўлавермасди. Бугун халқда «десантчилар» деб ном олган шахслар бу ташаббусни батамом ўз қўлларига олишганди.

МУХБИР: — Кечирасиз, Раъно Ҳабибовна, «десантчилар» иборасини сизнинг тилингиздан эшитиш бирмунча ғайритабиий туюлади. Ахир илк бор юксак минбардан туриб уларни чорлаган, адашмасам, сиз бўлгандингиз чоғи! 1984 йил июнь ойида Лигачев иштирокида ўтган машъум XVI Пленумда марказ ва республика ўртасида кадрлар айри бошлашни кун тартибига қўйган сиз эмасмидингиз! Жумҳурият тақдиридаги барча қора кунларни — «ўзбеклар иши», «ўзбеклар мафияси», «пахта иши» каби тамғалар босишда ва ҳатто Фарғона фожиасига қадар бўлган барча иллатларнинг илдизини кўпчилик ҳамон ана шу «десантчилар» билан боғлашади...

Р. А: — Мен бу ўринда менинг тақдирим ҳал этилган Марказком бюроси мажлисида — 1987 йил 23 март куни менга «сиёсий даъво» тариқасида айтилган ушбу сўзларни келтирсам, саволингизга бир қадар жавоб оларсиз деб ўйлайман:

«Нишонов: ...рус кадрларини таклиф қилиш — бизнинг жумҳуриятимизда доимо хушнудлик билан қарши олиб келинган. Ўзбекистон уруш йилларида қанчадан-қанча кишиларни бағрига босиб қабул қилиб олди ва бу бизнинг халқимизнинг миллий анъанасига айланиб кетди... Сиз Раъно Ҳабибовна, XVI пленум минбаридан ана шу анъанамизни тиклаш таклифи билан чиқдингиз. Бу бизнинг коллектив таклифимиз, уни ҳар биримиз айтишимиз мумкин эди ва бунинг фарқи йўқ. Бироқ сиз, нега сўзда бошқа-ю, амалда бошқача иш тутасиз? Нега ўз таклифингизни иш билан мустаҳкамламайсиз? Масалан, «Правда Востока» газетаси оқсагани рост, ўртоқ Г. Неклессани муҳаррир қилиб юборишга муваффақ бўлдингиз. Унинг нимаси журналист? Нега «Правда»дан тажрибали журналистни таклиф қилиш мумкин эмасди? Маданият министрлигида ҳам ишлар ўлда-жўлда, бу масканда биринчи ўринбосар доимо рус бўларди, агар эсласангиз, ҳатто Рашидов пайтида ҳам Завьялов, Федоренко деган ўртоқлар ишлашарди. Бугунги кунда Муҳаммаджонов дегани қаёқдан пайдо бўлиб қолди? Нега катта маданият таълимини олган рус ўртоқни Москвадан таклиф қилиш мумкин эмас? Сиз мутасадди бўлган соҳаларгагина марказдан кадр чорлаш оғир кўчмоқда. Бу оддий қайсарлик эмас, сиёсий масала...»**

МУХБИР: — Тошкент олий партия мактабининг ректори М. Искандаровнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми минбаридан ошкора таниқди кўп жиҳатдан сизнинг тақдирингиздаги бурилиш нуқтаси бўлганлигини айтишади. Сизнинг ўзингиз учун у қай даражада кутилган танқид бўлганди!

Р. А: — Бу танқид мен учун томдан тараша тушгандек бўлгани йўқ. Чунки, ундаги «факт»ларга илгари ҳам кўп марта жавоб қилишимга тўғри келган. Бу имзосиз «имтиҳон» кўп бор такрорланганди. М. Искандаровнинг: «Р. Абдуллаева 1984 йил сайловида ўз қариндошлари бўлмиш Расулов ва Тўленовларни академия таркибига олиб киришга муваффақ бўлди, бир сўз билан айтганда, академияга бўлган сайловлар Рашидов пайтида қандай бўлган бўлса, бу сафар ҳам шундай ўтди: ҳақиқий олимлар бир четда қолиб, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик яна ғолиб келди...» — деган айбномасига келсак, айтишим мумкинки, бу «факт»лар тасдиқланмади. Менинг бундай қариндошларим йўқлигини кейинчалик нотиқнинг ўзи ҳам тан олди. Сайлов «Рашидов пайтидагидан анча-мунча фарқли ўтганлиги»ни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президиуми ҳам тасдиқлади. Бироқ, ҳар қанча кулгули бўлмасин, «нуфузли комиссия» учун айнан М. Искандаровнинг фикрлари асос қилиб олинди. Академия сайловларига баҳо бериш ҳар қандай «нуфузли комиссия»нинг эмас, биринчи навбатда, фан штабининг иши бўлиши керак эмасми? Академия Президиуми қарори ва хулосаларига зид равишда «партиявий хулоса» ясаш ва уни бюрога кўтариб чиқиш кимга ва нимага зарур бўлиб қолгани эндиликда ҳаммага аён бўлса керак.

МУХБИР: — Раъно Ҳабибовна, сизнинг «Ривожланган социализм даврида КПССнинг Советларга раҳбарлиги» [1983] монографиянгиз хусусида М. Искандаров шундай баҳс юритганди: «Монография ва унинг асосидаги докторлик диссертациянинг илмий қиймати бир пул, чунончи, диссертант келгусида партия раҳбарлиги ва ижроия комитетлари фаолиятининг қўшилиб бориши ғоясини олға сурадики, бу Советлар ҳақидаги ленинча таълимотга мутлақо зиддир...»

Р. А: — 10 йил муқаддам ёқланган менинг диссертациямнинг илмий савияси хусусида ўзим нима ҳам дея олардим, бу М. Искандаровга кўпроқ аён: у диссертация учун юз фоиз овоз берган 17 илмий кенгаш аъзосидан бири эди. Бундан ташқари «принципиал» бу олим саноқ комиссияси таркибига ҳам кирганди... Советлар ижроқўми ва партия ҳамкорлигининг тобора қўшилиб бориши масаласига келганда эса қай бир фикр «бир пул» эканлигини бугун ҳаёт ва қайта қуриш ўзи элакдан ўтказиб турибди...

МУХБИР: — Раъно Ҳабибовна, инсон ва коммунист сифатидаги ҳаёт йўлингиз оғир синовларга дуч келди. Партия ҳам оғир кунларни бошдан кечираётган бир пайтда унга бўлган ишончингиз сўнмаслигининг боиси нимада!

Р. А: — Партия — бу бизнинг жумҳуриятга «тартиб ўрнатиш учун» келган Анишчев, Огарок, Романовский, Сатинлардан иборат эмас. Бирингки, қай даражадаги раҳбарлик бўғинига мансуб бўлмасин, Нишонов ҳам партия бўлолмайди. Шу сабабли шахслар фаолиятини партия фаолияти билан чалкаштириш хато бўлур эди. Партиянинг эзгу ғояларига бўлган эътиқодгина мени бу оғир қисматни енгиб ўтишга ундади. Шу боисдан бўлса керак, мен синмадим... Коммунистик партия, сўнгги тўрт йиллик узилишни ҳисобга олмаганда, 36 йил мени тарбиялади, вояга етказди, элга танитди ва ниҳоят ўз хатойим эвазига ҳам тоблади, чиниқтирди, сабоқ берди. Партияга қайтишим — партия олдидаги мана шу қарзларимни узишим билан боғлиқ...

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ БЎЛИМИ ШАРҲИ:

Рўзномамиз Р. Абдуллаеванинг собиқ мафкура котиби сифатидаги фаолиятини оқлаш мақсадидан йироқдир. Бироқ у кўплар ўйлагандек оддий аризагўй эмас, бу унинг мураккаб тақдири билан ҳам боғлиқ. У кечаги фожиали, чалкаш тақдиримизнинг айнан кўринишидир. СССР Прокуратурасининг Гдлян бошлиқ тергов группаси Р. Абдуллаевани «пахта иши» юзасидан порахўрликда айблаб қамоққа олган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1987 йил декабрида бўлиб ўтган VII пленуми айнан ана шу «порахўрлик» айбномаси асосида уни «ўз шанига доғ туширгани учун» сиртдан КПСС safидан чиқарди. Оқибатда у 800 кун ҳибсда ўтирди ва ниҳоят СССР Олий Суди уни батамом оқлади. Бир сўз билан айтганда, уни партия safидан чиқариш учун асос бўлган «далиллар» барҳам топди...

Хўш, Р. Абдуллаеванинг бошига бу оғир қисмат ўзўзидан тушиб қолдими? Қамоққа олинганда у ҳали Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати эди-ку? Депутат дахлсизлиги қаёқда қолди? Афсуски, унинг бу ҳуқуқи ҳам паймол этилганди. Р. Абдуллаевани жиноий жавобгарликка тортишга розилик бериш ҳақидаги «қарор» Ўзбекистон ССР Олий Советининг аслида бўлиб ўтмаган президиуми мажлиси номидан 1987 йил 28 октябрь куни Олий Совет Президиумининг ўша пайтдаги Раиси Р. Н. Нишонов имзоси билан расмийлаштирилганини кўрамиз. Аслида ўша куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг VI сессияси ўз ишини давом эттираётган ва депутат статуси ҳақидаги қонунга кўра уни жиноий жавобгарликка тортишга розилик бериш масаласи сессия томонидан кўриб чиқилиши шарт эди! Аксинча, бу мақсад сессия кўзидан яширилди...

Раъно Абдуллаева қисматига чуқур назар ташлар эканмиз, ҳужжатларда муҳрланиб қолган ушбу «даст хат»ларнинг маъзини чақиш лозимга ўхшайди (Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 1987 йил 23 март бюро мажлиси протоколидан):

«АНИШЧЕВ В. П. — ...Абдуллаева билан ишлаш... елкангда оғир бир юкни доимий кўтариб юриш демакдир. Айниқса, мен биринчи котиб ўрнига қолган кезларимда бу хавфнинг сояси қуюқлашиб борганини сезаман: Раъно Ҳабибовна Иномжон Бузруковичга доимо «биринчи котиб ўз мустақил фикрига эга бўлиши керак» деб писанда қилишини негадир канда қилмайди... ОГАРОК В. И. ...бизда ҳаммамизга раҳбарлик қилаётган Бюро бор, Секретариат бор ва унга қў

ФАХРИЙЛАР МУРОЖААТНОМАСИ

СССР Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари Бутуниттифоқ кенгаши гитлерчилар Германияси Совет Иттифоқига ҳужум қилган кунининг хамда Улуғ Ватан уруши бошланганининг 50 йиллиги муносабати билан совет ҳалқига мурожаат қилди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

Эллик йил муқаддам гитлерчилар Германияси халқаро ҳуқуқнинг барча нормаларини поймол этиб, мамлакатимизга қароқчиларча ҳужум қилган эди.

Германия фашизми социалистик тузумни, Совет давлатини йўқ қилиб ташлаш, Совет Иттифоқи халқларини қул қилиш мақсадида уруш бошлаган эди. Бу жаҳон тарихидаги энг даҳшатли, энг кўп қон тўкилган уруш бўлди. Совет кишилари зиммасига ниҳоятда оғир синов тушди, лекин муқаддас ватан урушига отланган халқимиз бунга чидаш берди ва галаба қозонди.

Лекин биз эришган галаба жуда қимматга тушди. Урушда миллионлаб совет кишилари ҳалок бўлди. Жуда кўплаб моддий қадриятлар йўқ қилинди. Юзлаб шаҳарлар ва минглаб қишлоқлар вайрон бўлди.

Совет кишилари мисли кўрилмаган қийинчиликларни енгиб, қисқа муддат ичида оғир жароҳатларни даволаб, уруш вайрон қилган хўжалигимизни тиклашга муваффақ бўлдилар. Меҳнаткаш халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати натижасида мамлакатимиз жаҳондаги буюк давлатга айланди. Ҳарбий стратегик жиҳатдан тенгликка эришилди. Янги уруш хавфи камайди. Бу ҳам жангоҳлардаги сингари жасоратнинг ўзгинаси эди.

Биз тарихимиздаги барча қаҳрамонона зафарларимизни бузиб кўрсатишга ва йўққа чиқаришга уринаётган, замондошларимизга севимли Ватанимизни фақат қора қилиб кўрсатишга, уни қандайдир ёвуз ва зўравонлик давлати, деб тасвирлашга ҳаракат қилаётган муайян сиёсий кучлар ва турли оғмачиларнинг хатти-ҳаракатларини қатъиян рад этамиз. Бу ёвуз ният билан айтилаётган ёлғон гаплардир. Фашист галалари СССРга ҳужум қилганлигининг 50 йиллиги ҳаммамизни, айниқса ёшларни катта авлод жасоратини яна бир марта муносиб баҳолашга ва бугунги кун ҳақида ўйлашга мажбур этсин.

Барча совет халқи сингари уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари жамиятимизни инқилобий янгилаш тарафдоридирлар. Лекин, афсуски, биз қайта қуришдан кутган катта умидларимиз ҳозирча оқланмаганини эътироф қилишимиз лозим. Жамиятимиз жуда оғир тангликни бошидан кечирмоқда, халқнинг турмуш даражаси кескин пасаймоқда, маънавийлик ва маданиятимиз таназзулга учрамоқда, мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларида миллатлараро можаролар авжига чиққан.

Оғир уруш йилларида Брест ва Сталинград хандақларида, Москва ва Ленинград остоналарида елкама-елка туриб жанг қилган, Европа халқларини фашист вабосидан халос этган ва Берлинга ҳужум қилган кишиларнинг фарзандлари ҳамда набиралари бугун бир-бирини отаётганини кўриш биз учун оғир ва жуда аламлидир. Катта авлод пешона тери ва қони тўкилган муқаддас заминимиз зўрлик билан парчаланмоқда. Совет социалистик давлати жуда катта хавф остида қолди.

Улуғ Ватан уруши бошланган кунининг 50 йиллиги арафасида ҳаётнинг аччиқ мактабини ўтаган ва ўлимга неча марталаб юзма-юз келган фахрийлар номидан қадрли ватандошлар, сизларни жамиятдаги барча соғлом кучларнинг, Ватанимиз тақдирини азиз деб билувчи барча кишиларнинг куч-ғайратларини сиёсий ва иқтисодий тангликни тезроқ бартараф этиш, мамлакатни боши берк кўчадан олиб чиқиш учун бирлаштиришга чақирамиз. Биз бирлик ва дўстликдагина ҳозирги қийинчиликларни енгишимиз ва барча совет кишиларининг яшашлари ҳамда ишлашлари учун рисоладагидек шарт-шароит яратаоламиз.

УРУШ, МЕҲНАТ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФАХРИЙЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ, УРУШ ФАХРИЙЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ.



«ОҒАЛИҚ» БАҒРИДА

Самарқанд вилояти. Самарқанд шаҳар ижроия комитети қошидаги «Маданият» ташаббускорлар бирлашмаси бу йил «Оғалиқ» янги дам олиш масканини ташкил этдилар. Тоғ ёнбағрида оқувчи булоқ бўйида болалар чўмилиш ҳавзаси, палаткалар, овқатланиш тармоқлари ўрнатилди.

Жазирама ёз кунларида чўмилиш нақадар ёқимли.

Суратқаш Р. ҒОФУРОВ.

• Қардошлик учрашувлари

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Фарғона вилоятида қўшни Ленинобод вилояти ёшлари кунлари ҳам бўлиб ўтди. Тўрт кун давомида қардош Тожикистоннинг энг йирик вилояти ишлаб чиқариш илғорлари, талабалари, ёшлар ташкилотлари вакиллари Фарғонада бўлиб ўз тенгдошлари билан учрашувлар ўтказишди. Ленинобод ёшлари кунларида Тожикистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Нурали Қурбонов ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Қомитетининг биринчи секретари Азиз Носировлар ҳам иштирок этдилар.

Ёшлар вакиллари вилоятнинг барча районлари ва шаҳарларида бўлдилар. Учрашувлар ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги намойишига айланиб кетди. Турли кўнгил очар тадбирлар, илғорларнинг ўзаро тажриба алмашишлари, шеърхонлик кечалари бўлиб ўтди. Учрашувлар давомида ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкам боғлаш учун тадбирлар анчагина амалга оширилди. Масалан, меҳмонлар Сўх районида бўлганларида одатдагидек меҳмонхонага эмас, балки уларни мезбонлар ўз хонадонларига таклиф этдилар. Улар Сўхликлар уйларида бир кеча бўлиб, ширин суҳбатлар қуришди.

— Бу учрашувларимиз, — дейди Хўжанд шаҳри тикувбичув бирлашмаси комсомол комитетининг котибаси Мавзуна Каримова. — Фарғонадаги жўшқин мулоқотлар ҳеч қачон ёдимиздан кўтарилмайди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Ўзбекистон—Эрон дўстлик жамияти тузилди*

Буюк мутафаккирлар ғоялари

Асрлар оша учрашув

Алишер Навоийнинг асари.

Жумҳуриятимизнинг энг яқин ва қадимий қўшниларидан бири Эрон Ислом республикасида тузилган Эрон—Ўзбекистон жамияти шу кунларда қизғин иш бошлаб юборди. Бу жамиятга мамлакатнинг савдо, саноат, фан ва маданият доиралари вакиллари аъзо бўлиб киришган. Уларнинг бирдан-бир мақсади Ўзбекистон билан яқиндан дўстлик ва амалий алоқаларни ўрнатишдир. Бундан бир неча ой муқаддам диёримизга меҳмон бўлиб келган Оятилло Мусавий ўз сафари чоғида ана шу ҳақда гапириб берган эди.

Эрон Ислом республикаси узоқ тарихий ва маданий бойликларга эга бўлган кўҳна мамлакат. У ерда Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаёти ва муаммоларини ҳал этишда кўмаклашишга бўлган қизиқиш намоён бўлмоқда. Икки кўҳна диёр ўртасида қадимий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида бизнинг диёримизда Ўзбекистон — Эрон жамияти тузилди. Уни таъсис этувчи ташаббускор муассасалар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик институти, «Ҳақиқати Ўзбекистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномалари, «Шарқ» нашриёти, «Совавто-Термиз» автомобиль транспорти бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Геология ва моддий бойликлар бўйича давлат комитети ҳамда бир қатор ташкилотлар бор. Жамият таъсис этиш маросимига етиб келган Эрон Ислом республикасининг Совет Иттифоқидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Неъматилло Изодий қисқача табрик нутқи сўзлади. У бу жамият тузилаётганлигидан ўзининг беҳад мамнунлигини изҳор этди.

Бутун жаҳонга Умар Ҳайём, Рўдакий, Саъдий, Фирдавсий сингари буюк алломаларни етказиб берган бу диёрда ўзбек халқининг мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг асарларини ўрганиш ва уларни эъзозлаб сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Элчи Алишер Навоийнинг «Наводир-ун-ниҳоя» девонининг муаллиф ўз қўли билан кўчирган митти кинонусхасини ҳадя этди. Ниҳоятда узоқ асрлар оша бобокалон шоиримизнинг нигоҳи ва табаррук қўллари изи тушган кўҳна ёдгорлик ўз она диёрига қайтиб келди. Ўз навбатида Ўзбекистон томони Хисрав Дехлавийнинг қўлёзмаси туширилган ана шундай кинолентани қўшни мамлакат халқига туҳфа этди. Бу Ҳофиз Шерозий қайта кўчирган «Хашбеҳишт» девонидир.

Тантанали маросим бундай ноёб ёдгорликларнинг нусхаларини айирбошлаш билан жуда катта тарихий мазмун касб этди. Гўё бу ерда буюк ота-боболаримизнинг руҳи ва ғоялари рамзий маънода учрашгандек бўлди.

Узбекистон — Эрон жамиятини таъсис этиш маросимида чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш жамияти бошқарувининг раиси С. У. Султонова, янги жамиятга раис этиб сайланган, Ўзбекистон ССР геология ва моддий бойликлар бўйича давлат комитети раиси Т. Шоёқубов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иқтисодиёт қўмитаси раиси Э. Хўжаев, Тошкентдаги Шарқшунослик олий илмгоҳи декани Қ. Мирзажонов ва бошқалар гапирдилар.

А. ПУЛАТОВ.

МУШТАРАКЛИК

БОБУР НОМИ БИЛАН

Ҳабарингиз бўлса, ўтган йили Ўш вилоятидаги С. М. Киров номли ўзбек мусиқали драма театри коллективи ўзининг қутлуғ 60 йиллик тўйини катта шодиёна-ю қувончлар билан нишонлаганди. Уларни қутлаш ичун нафақат Қирғизистон маданият аҳли, қўшни қардош-жондош жумҳуриятлар вакиллари ҳам тантаналарда қатнашиб саҳна санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган жонажон Ўш театрини севиб ардоқлашларини билдиргандилар.

Тантанада сўзга чиққан СССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР театр арбоблари уюшмаси котиби Наби Раҳимов бу ерга йиғилган жумҳурият раҳбарларига мурожаат қилиб, театрга Бобур номи берилишини ўтиниб илтимос қилганди. Бу таклифни залдагилар ҳам гилдурос қарсаклар билан кутиб олгандилар. Яқинда қувончли хабар келди. Ўш театри Бобур номи билан аталадиган бўлибди. Бу фақат театр ҳаётидагина эмас, икки қардош жумҳурият маданий ҳаётида ҳам қувончли воқеадир.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

Суратда: Театрнинг ёш актёрларидан бири Нодира Қурбонова.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

СПОРТ

МАВҚЕЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Ўзбекистонлик полвонларнинг халқаро мусобақаларда эришган ютуқлари ҳақида хабар қилган эдик. Куни кеча Олмониядан яна бир хушхабар келди. Бонн шаҳрида «Болтиқ кубоги» учун ўтказилган халқаро мусобақада тошкентлик Игорь Содиқов ўзини кўрсатди. 100 килограмм вазнли бу оғир атлетикачи яқинда Европа чемпиони бўлганди. Унинг бу галги натижаси икки кураш бўйича 390 килограммни ташкил этди.

Биринчи лига футбол жамоалари ўртасида ўтказилаётган ўйинлар мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Фарғона водийси футболчилари ўз майдонларида иккитадан учрашув ўтказиб мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишди. «Нефтяник» жамоаси «Ротор» билан ўйнаб, имкониятни бой берган эди. Улар қайратчиларни қабул қилиб, дарвозага 1 та тўп киритиш билан ғалабага эришдилар. Бу ютуқдан кейин «Нефтяник» 14 очко билан уч поғона юқорига кўтарилди. Пешқадамлар сафида бораётган Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари эса қайратчилардан устун келишди. «Ротор» жамоаси билан ўйинда эса (0:1) ютказиб қўйишди. «Навбаҳор» 17 очко билан тўртинчи поғонага тушишга мажбур бўлди. Очколарини 18 тага етказган «Буковина» жамоаси учинчи ўринга кўтарилди. «Тилигул» 20 та очко билан олдинда бормоқда. «Ротор» ҳисобида 19 та очко бор.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ТИББИЙ ҚАЙТА ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИКАВИЙ ТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бўлим раҳбарлари: (тиббиёт фанлари доктори, тиббиёт фанлари номзоди, геология-минералогия фанлари номзоди): тажрибавий (0,25), курорт ресурсларини муҳофаза қилиш ва ўрганиш; юрак-қон томир системаси, нафас олиш органлари, даволаш овқатланиши гуруҳи билан овқат ҳазм қилиш органлари патологияси; таянч-ҳаракат аппарати, асаб касалликлари болалар ёшидаги;

катта илмий ходимлар (тиббиёт фанлари доктори, тиббиёт фанлари номзоди, биология фанлари номзоди, кимё фанлари номзоди): тажрибавий (2), курорт ресурсларини муҳофаза қилиш ва ўрганиш бўлими (2); юрак-қон томир системаси (0,75), даволаш овқатланиши гуруҳи билан овқат ҳазм қилиш органлари (2), асаб системаси, болалар (0,25), рефлекс муолажаси, йоғлар механика муолажаси, қуёш нурлари муолажаси бўлинмалари; электрфизиологик тадқиқотлар, биокимё, иммунология лабораториялари;

кичик илмий ходимлар (шифокорлар, кимёгар, иқлимшунос, кимё фанлари номзоди): тажрибавий (3), курорт ресурсларини мухофаза қилиш ва ўрганиш (2) **бўлимлар:** юрак-қон томир системаси (5), даволаш овқатланиши билан овқат хазим қилиш органлари (6), таянч- ҳаракат аппарати (4), асаб системаси (2), болалар (4), рефлекс муолажаси патологияси бўлинмалари; электр физиологик тадқиқотлар, биокимё (2), иммунология лабораториялари.

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Н. А. Семашко номидаги тиббий қайта тиклаш ва физикавий терапия илмий тадқиқот илмгоҳининг Термиз шаҳридаги бўлими бўйича:

Юрак-қон томир касалликларини даволашнинг физикавий усуллари бўлинмаси: раҳбар (тиббиёт фанлари номзоди), катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди), кичик илмий ходимлар (4);

тиббий иқлимшунослик ва балчиқ билан даволаш бўлинмаси: раҳбар (тиббиёт фанлари номзоди), **катта илмий ходим,** (тиббиёт фанлари номзоди), **кичик илмий ходимлар** (4).

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— курортология ва физикавий терапия (кардиология) — 2,

— курортология ва физикавий терапия (асаб касалликлари),

— курортология ва физикавий терапия (гастроэнтерология).

Курортология ва физикавий терапия (кардиология) ихтисоси бўйича аспирантурага (2) танловли қабул эълон қилинади.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 4 ИЮЛГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 34-55-00, 34-30-77, 34-13-02.

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: патологик анатомия, санитария-гигиена факультетида жарроҳлик касалликлари, анестезиология ва реаниматология;

доцентлар: нормал физиология, кўз касалликлари, тиббий генетика билан асаб касалликлари (2), суд тиббиёти (0,25), психиатрия, ички касалликлар пропедевтикаси, факультет терапияси, госпиталь терапияси, акушерлик ва гинекология, санитария-гигиена факультетида жарроҳлик касалликлари, эпидемиология, госпиталь жароҳлиги (2), онкология, овқатланиш гигиенаси;

катта ўқитувчилар: нормал физиология, патологик анатомия, патологик физиология, соғлиқни сақлашни ташкил этиш билан ижтимоий гигиена, жисмоний тарбия;

ассистентлар: нормал физиология (4), биологик кимё (2), патологик физиология (2), топографик анатомия билан оператив жарроҳлик (6,5), патологик анатомия (3,5), гистология (3), фармакология (3), суд тиббиёти (2,5), кўз касалликлари, анестезиология ва реаниматология, асаб касалликлари (3), тиббий генетика билан болалар касалликлари, тери-таносил касалликлари (1,5), анкология (1,5), сил касаллиги, ўрология (2), ички касалликлар пропедевтикаси (3), госпиталь терапияси (2), ҳарбий-дала терапияси ва гематология (лаборатория ташхиси билан), факультет терапияси (3), поликлиникавий ўқитишдаги ички касалликлари (2), акушерлик ва гинекология (5), клиник фармакология (4), эндокринология (2), госпиталь жарроҳлиги (3), соғлиқни сақлашни ташкил этиш билан ижтимоий гигиена (2,5), микробиология (2), радиацион гигиена билан умумий гигиена, физиотерапия билан даволаш машқлари комплекслари ва шифокор назорати (2), нур ташхиси ва нур терапияси, травматология ва ортопедия нейрохирургия билан ҳарбий-дала жарроҳлиги, тропик тиббиёт курси билан юқумли касалликлар, санитария-гигиена факультетида ички касалликлар (6,5), санитария-гигиена факультетида жарроҳлик касалликлари, меҳнат гигиенаси (4), овқатланиш гигиенаси (3), эпидемиология (7), коммунал гигиена (8), болалар ва ўсмирлар гигиенаси (2);

ўқитувчилар: рус тили (4), ўзбек тили (2), чет тиллар (3), жисмоний тарбия (8), тайёрлов бўлимининг ўзбек тили шўъбаси бўйича.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 24 ИЮНГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2-уй. Телефон 46-88-86.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: биологик кимё, нур ташхиси ва нур муолажаси, оториноларингология, 1-терапевтик стоматология, стоматология факультетида акушерлик-гинекология, стоматология факультетида жарроҳлик касалликлари (тиббиёт фанлари докторлари), фалсафа ва культурология (фалсафа фанлари доктори), урология;

профессорлар: одам анатомияси;

доцентлар: госпиталь жарроҳлиги, факультет терапияси, стоматология факультетида ички касалликлар;

катта ўқитувчилар: суд тиббиёти (2), тиббий биология ва генетика;

ассистентлар: тиббий биологик физика.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700048, Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 103-уй. Телефон 67-74-97.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991—1992 ўқув йили учун

провизор ихтисоси бўйича

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ: **кундузги бўлимда — 5 йил, сиртқи бўлимда — 4,5 йил**

Сиртқи бўлимга фармацевтика мутахассислиги бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар қабул қилинадилар.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар иккала бўлимга 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Ўқишга кириш ҳақида ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти ҳақида аттестат ёки диплом (асли), 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг (корхона ёки муассаса раҳбари тасдиқланган) кўчирмаси. Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Олий билимгоҳга кирувчилар КИМЁ (ёзма), БИОЛОГИЯ (ёзма), ОНА ТИЛИ ва АДАБИЁТидан (диктант) имтиҳон топширадилар.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 16 ИЮЛДАН 1 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Манзилимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй (метронинг «Ойбек» станцияси).

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН КЎП СОНЛИ АҲОЛИНИНГ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ 23 ИЮНДА ОИНАИ ЖАҲОН ОРҚАЛИ ЎЙНАЛАДИГАН 5+ ДЕБ АТАЛУВЧИ ХАИРИЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИШ МУДДАТИ 17 ИЮНГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ.

Билетлар Тошкент ва Самарқанд шаҳар жамғарма банки муассасаларида сотилмоқда. Билетнинг баҳоси 1 сўм.

БИР МИЛЛИОН СЎМ ЮТИШНИ ИСТОВЧИЛАР, ШОШИЛИНГ, СИЗНИНГ ҚАРАМОҒИНГИЗДА БЕШ КУН ҚОЛДИ.

ХАММАНГИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ.

СССР Фалсафа жамиятининг Ўзбекистон бўлими бюроси В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунуни, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунуни ҳузуридаги Ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш илмгоҳи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳи ҳамда Сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳи жамоалари фалсафа фанлари доктори, профессор, РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби, «Философские науки» журналининг бош муҳаррири, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти бошқаруви ва СССР Фалсафа жамиятининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Ижтимоий фанлар академиясининг профессори

Владимир Спиридонович ГОТТнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари вазирлигининг «Узремдорпроект» жумҳурият лойиҳа-қидирув илмгоҳи жамоаси илмгоҳнинг меъморимуҳандиси

Баҳодир Қўчқор ўғли ҲИКМАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқаруви жамоаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон халқ артисти, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон жумҳурият мукофотининг лауреати

Йўлдош МАМУТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қўриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5561.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 21.30.

№ 111. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12